

# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: uzas@exat.uz 2013 yil 29 noyabr • №48 (4239)

## ОБОД ҲАЁТ ҚЎШИҒИ

**Борлиқни олтин рангга бўяган кузнинг тоза кунлари. Саховатли фасл ўз неъматлари билан юртдошларимиз рўзғорига қут-барака бахш этаётир. Куз, айниқса, Ватанимиз жанубида янада жозибали. Мўътадил иқлимга эга бўлган бу юртнинг хурмозор боғлари кўзни қувнатади. Шиғил меваларини аранг кўтариб турган бутоқлар қўл етадиган даражада эгилган. Хурмолар, олтин хурмолар...**

*Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан*

Пойтахт аэропортида Ўзбекистон байроғи тасвири туширилган «Боинг-757» самолёти зиналаридан кўтарилаётиб, кўнглимизни ўзгача ҳис-ҳаяжон чулғайди. Самолётнинг ичи, эҳ-ҳе, улкан концерт залига ўхшаб кетади. Мустақилликдан аввал бундай ҳаво кемаларида учиш қаёкда эди, дейсиз. Ўн минг метрдан баланд юксакликда учган бу самолётнинг парвози Ўзбекистоннинг сўнгги йигирма уч йиллик тарихидаги мисли кўрилмаган юксалишга менгзайди. Зотан, юртимиз байроғи спорт, маданият, санъат, маънавият, таълим, қурилиш соҳаларида неча бора кўкларга кўтарилганига бутун жаҳон гувоҳ эмасми?! "Улуғбек", "Самарқанд" деб номланган юлдузларимиз ҳам чексиз коинотда ёркин нур таратиб турибди.

Шу ўринда Юртбошимизнинг бу замин ҳақидаги сўзлари ёдга тушади: «Ўзбекистоннинг бугуни ва истиқболини Сурхондарёсиз, бу ўзига хос воҳа меҳмондўст, ориятли халқининг бой маънавиятисиз тасаввур этиб бўлмайди. Сурхон воҳаси кўҳна тарихи, бетакрор маданияти, нодир топилмалари, қадимий осори-атиқалари билан бутун дунёга машҳур. Бу тупроқдаги ҳар бир тош, ҳар бир ғиштнинг ўз тарихи бор. Зараутсой ва Тешиктош ғорлари, Боботоғ ва Бойсунтоғ қояларидаги битиклар ва суратлар бу замин жаҳон цивилизациясининг илк бешикларидан эканиға гувоҳлик беради».

Замонавий аэропорт биносидан чиқиб, Термизнинг бугунги қиёфасини танимай қолдик. Тор кўчалар ўрнига қурилган кенг, равон ва ёруғ йўлларда ўзбек машиналари йайраб елади. Ҳамроҳимиз, вилоят Маънавият тарғибот маркази раҳбари Муҳаммад Азимов кўчанинг икки томонига нигоҳимизни қаратиб, шундай дейди:

— Аввалги пастқам, кўримсиз иморатлар ўрнига замонавий бинолар, турар жойлар барпо этилмоқда. Аэропорт кўчасида қад ростлаган уйларда усталар ғайрат билан сўнгги ғиштларни теришмоқда. Айрим биноларнинг томлари ёпилмоқда. Улар ёғин-сочинли кунларга қолмасдан қурилишни битириш ҳаракатида.

**Давоми иккинчи саҳифада.**



**Суратда: Термиз туманидаги 13-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиси Зиёда Қурбонова.**
**Ф.АБДУРАСУЛОВ (ЎзА) олган сурат.**

## НАВОИЙ ВА БОБУР АСАРЛАРИ ПОЛЬЯК ТИЛИДА

**Мустақиллик туфайли мамлакатимизда Алишер Навоий меросини ўрганишнинг кенг уфқлари очилди. Бугунги кунда Юртбошимиз ташаббуси ва раҳбарлигида шоирнинг хотирасини юксак даражада эъзозлашга ва меросини кенг тарғиб этишга улкан эътибор қаратилмоқда.**

Кейинги йилларда улуғ шоирнинг 10 ва 20 жилдли мукаммал асарлар тўпламлари нашр этилди, ҳаёти ва ижодига бағишланган илмий монографиялар, адабий-бадиий китоблар, шунингдек, ҳайкалтарошлар, рассомлар, бастакорлар томонидан ранг-баранг асарлар яратилди.



Янги давр воқелиги Алишер Навоийнинг халқимиз ва жаҳон маданияти, илм-фани ривожига қўшган беқиёс ҳиссасини янада кенг тарғиб этиш, ул зотнинг ижоди ва маънавий меросини аслича, моҳиятини теран тушунган ҳолда тадқиқ, талқин ва тарғиб этиш борасида юзага келган имкониятлардан изчил, самарали фойдаланишни тақозо этмоқда.

Бу бежиз эмас, албатта. Зотан, навоийшунос олимларимиз ҳақли эътироф этганларидек, Навоий мероси жаҳон адабиёти намояндалари Ҳомер ва Данте, Румий ва Ҳофиз, Шекспир ва Пушкин мерослари сингари улуғдир. Шу боис ўз ҳаёти ва ижоди билан Машриқу Мағриб халқлари маданиятини ўзаро яқинлаштирган буюк шоир ва мутафаккирнинг ноёб асарларини дунёнинг турли тилларига таржима қилиш, нашр этиш, оммалаштириш, бу борадаги ҳар қандай хайрли ташаббусларни қўллаб-қувватлаш том маънода давр талабига айланди.

Бу ҳақда сўз юритганда, яқинда Польшада Алишер Навоийнинг дилбар ғазалларидан бир туркуми ўзбек ва польяк тилларида алоҳида китоб ҳолида нашр этилгани эътиборга лойиқ маърифий воқеа бўлганини таъкидлаш лозим.



**Давоми учинчи саҳифада.**

> **Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир.**
>
> **Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин.**
>
> *Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, VII боб, 29-модда.*

## ЭРКИН БАДИИЙ ТАФАККУР

### ва бугунги ўзбек шеърияти

**Ҳеч бир муболағасиз таъкидлаш жоизки, бугун биз бақувват ўзбек шеъриятига эгамиз. Шеърият Шарқда асрлар давомида адабиётнинг асосий тури сифатида яшагани боиси ҳам унинг илдизлари бағоят теран.**

*Адабий жараён*

Аммо бугунги ўзбек шеърияти кечаги шеърият эмас, балки ўзининг кўпгина, хусусан, шаклий-мазмуний мундарижасига кўра янгиланган поэзиядир. Шу билан бирга, бугунги шеърият кечаги шеъриятдан узилиб қолган алоҳида ҳодиса ҳам эмас. Улар ўртасида ворисийлик, узвийлик давом этиб келаётир. Замонавий ўзбек шеърияти мумтоз ва янги ўзбек шеъриятининг энг яхши анъаналарини давом эттирган ҳолда жаҳон адабиёти булоқларидан ҳам сув ичаяпти. Адабиёт кеча дунёга соц.реализм туйнуги орқали қараган бўлса, бугун унинг тафаккур уфқи жуда кенг. Айни мана шу кенг уфқ — бадиий тафаккур эркинлиги ҳозирги замон поэзиясини — Истиқлол даври ўзбек шеъриятини вужудга келтираётган бош омилдир. Шунга кўра, ҳар томонлама бой шеъриятимизга назар ташлаб, унинг бағрида барча тамойилларнинг изини кўриш мумкин: реализм, неореализм, романтизм, символизм ва бир қатор авангард адабий оқимларнинг ҳаётбахш йўлларида яратилаётган бугунги ўзбек шеърияти шоир тафаккурининг ягона мафкуравий исканжадан холи эканлигидан, бошқача айтганда, чинакам ҳурлигидан далолат. Яна, шоирнинг қайси йўналишда қалам тебратиши эмас (зотан, бугун тоза бир йўналишнинг ўзи йўқ, улар ўз тараққиёт йўлларида бир-бирига таъсир қилиб, синкретик манзара касб этиб бораётир), балки қандай истеъдод билан ёзаётганлиги ҳамда азалий муҳораба — эзгулик ва ёвузлик жангида қайси томонда турганлиги тобора муҳим бўлиб бораяпти.

**Давоми учинчи саҳифада.**

## ИЛҲОМ "САРЧАШМА"СИ

*Кўргазма залларида*

Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўргазмалар залида "Сарчашма" ижодий гуруҳи ўн йиллигига бағишланган кўргазма очилди. Бадиий академия раиси Акмал Нуриддинов ўз сўзида истиқлол шарофати билан мамлакатимизда санъатнинг барча соҳаларини ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилгани, тасвирий санъат усталарини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган "Сарчашма" гуруҳининг фаолияти самарали натижа бераётганини таъкидлади. Қисқа вақт ичида ижодий жамоа кўплаб истеъдодли рассомларни жамлашга эришди.

"Сарчашма" гуруҳи ижодий раҳбари, Ўзбекистон халқ рассоми Собир Раҳметов, Ижодкорлар уюшмаси "Рангтасвир" шўъбаси раиси Ҳаким Мирзаахмедов, санъатшунос олимлар гуруҳ фаолияти хусусида фикр юритдилар.

Кўргазмадан ўрин олган асарлар орасида, айниқса, "Сарчашма олмалари" инсталляцияси эътиборни тортади. Инсталляция муаллифларидан бири Файзулла Аҳмадалиевнинг айтишича, бу асарда мамлакатимиздаги гўзал табиат манзараларининг умумлаштирилган кўриниши ифода этилган. Шунингдек, экспозицияда ёнаётган ўчоқ, тандир нонлар, қайнаб турган самовар каби қишлоқ ҳаётини акс эттирувчи лавҳаларни ҳам учратиш мумкин. Кўргазмада жами 15 муаллифнинг 200 дан ортиқ асари намойиш қилинмоқда.

**Моҳира АДИЗОВА**

*Танлов*

Ўзбек миллий академик драма театрида "Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси" республика кўрик-танловининг ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. 2006 йилдан буён республика Маънавият тарғибот маркази томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу маънавият ва маърифат тарғиботчилари ўз касбий маҳоратларини намойиш этмоқда.

## ЭНГ ФАОЛ ТАРҒИБОТЧИ

Бу йилги танлов натижаларига кўра, ўн бир йўналиш бўйича ғолиблар эълон қилинди. Хусусан, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимида Матлуба Халилова, "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмасидан Ўзбекистон халқ артисти Теша Мўминов, республика Маънавият тарғибот тизимида Акмалхўжа Абдураҳмонов, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказидан Отабек Бозоров йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчилари деб топилди.

Тадбир доирасида «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандалари иштирокида концерт дастури тақдим этилди.

**Азиз МАТЁҚУБОВ**

## МУШОҲАДА



**А.ПОПОВ олган сурат**

Жалол Халилов ўзбек рангтасвир санъатида ўзига хос услубга эга рассомлардан бири. У катта ижод майдонига ўтган асрнинг саксонинчи йилларида кириб келган. Бугунги кунда ҳам мусаввир, ҳам педагог сифатида маҳоратини кўрсатишга эришган Ж.Халилов ижодий изланишлардан тўхтагани йўқ. Пойтахтимиздаги "Шердор" галереясида очилган рассомнинг "Мушоҳада" деб номланган кўргазмаси ҳам буни тасдиқламоқда.

Экспозициядан ўрин олган турли жанр ва мавзудаги асарларни кузатар экансиз, рассом ижоди маълум бир услуб доирасида чекланиб қолмаганига амин бўласиз. Яъни Ж.Халилов ижодида ҳамиша услубий ранг-баранглик етакчилик қилади. Масалан, Ватанимизнинг гўзал манзаралари акс этган асарларнинг ҳар бири ўзига хос ранглар жилоси, мураккаб тасвирий ечимга эга. Рассом ижодида болалик хотиралари ҳам алоҳида ўрин тутади. Буни "Шум бола", "Қовун сотувчи", "Ёзги кун" каби эртакнамо руҳда яратилган картиналар мисолида кўриш мумкин. Эътиборли жиҳати, юқоридаги асарларнинг барчаси поэтик кечинмаларга бой шарқона руҳ билан суғорилган.

Жамол Халилов ҳозирги кунда республика ихтисослашган санъат мактаб-интернатида ёш рассомларга чизиш маҳоратини ўргатиб келмоқда. Мамлакатимиз ҳамда хорижда ўтказиб келинаётган халқаро кўргазмаларнинг мунтазам иштирокчиси. Унинг асарлари хорижий галереяларнинг тўпламларидан ҳам ўрин олган.

**Дилноза ЗОКИРОВА**

*Азиз, газетхон!*



*ОБУНА – 2014*

**Севимли газетангиз — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»га 2014 йил учун обуна давом этмоқда. Обуна туманларнинг матбуот тарқатиш бўлимлари, «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамиятининг почта бўлимлари, шунингдек, жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан расмийлаштирилади. Тошкент шаҳридаги матбуот тарқатиш дўконлари орқали ҳам газетамизга обуна бўлишингиз мумкин. Ҳурматли муштарий, агар сиз «ЎзАС»га вақтида обуна бўлсангиз, ижодий мулоқотимиз йил бўйи давом этаверади.**

Нашр кўрсаткичимиз – 222

# ОБОД ҲАЁТ ҚЎШИҒИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Мустақиллик йилларида обод ва кўркам масканга айланган Ҳаким Термизий ёдгорлик мажмуаси зиёратига бораётиб, теварак-атрофга назар ташлаймиз. Бир ён қип-қизил чўл, бир ёнда кўҳна шаҳар харобалари, эски деворлар... Ҳув нарида она Амударё кўз илғайдиган даражада кўриниб турибди. Кенг ўзанда буралиб оқаётган дарё суви ойнадек ялтирайди.. Эҳ-ҳе, бу сувлардан қанчадан-қанча шаҳарларнинг лойлари қорилиб ғишт қилинган, миноралар, гумбазлар тикланган, қалъалар қурилган. Бунёдкорлик, ободлик халқимизнинг азалий фазилатларидан саналади. Бунга бутун дунёнинг қадимий тамаддуни гувоҳлик бериб турибди. Қарангки, хароба шаҳар ва чўли биёбон ўртасида бугун гулларга бурканган ям-яшил манзил мўъжизадек бўлиб кўринади. Ҳа, ҳақиқатан мўъжиза. Кўҳна Термизнинг рамзий дарвозаси ўз даврида қандай бўлса, шундай қилиб тикланган. Кўз олдингизда қадимги шаҳар намоён бўлади. Қип-қизил пишиқ ғиштли пештоқ, қалин деворлар, қуббали миноралар... Буларнинг барчасини Президентимиз ташаббуси билан бунёдкор юртдошларимиз обод манзилга айлантирган.

Ватаннинг буюклигини англаш, маданиятимизни, тарихимизни теран ўрганиш учун бу манзиллар мозий дарсхонасидир. Қадимий Термиз дарвозаси ёнида автопоезд қалъа бўйлаб сайр қилдиришга шай. Шу ердан бандаргоҳ шаҳарга саёҳат бошланади. Тўлқинлари соҳилга шарақлаб урилиб турган Амударёнинг шамоли ҳуриллайди. Олис эллардан сузиб келган кемалар эшкакларининг шалоплаши эшитилгандай бўлади гўё. Овдан қайтган балиқчилар катта саватлардаги балиқларни кўтариб қирғоққа тушаётганларини кўргандек бўласиз... Автопоезд елиб ўтаётган йўлнинг икки ёнидаги ям-яшил арчалар дарё шамолида секин тебранади. Кошинли йўлакларнинг икки гирдида барқ уриб ўсган майсалар, ранг-баранг гуллар, антиқа манзарали дарахтлар. Ҳар саккиз-ўн метр масофада ўриндиқлар қўйилган, Ат-Термизий бобонинг ҳикматли сўзлари ёзилган лавҳлар ўрнатилган.

— Президентимиз 2011 йилнинг 22 апрелида ёдгорлик мажмуасига ташриф буюриб, ушбу муқаддас қадамжони янада обод ва кўркам этиш борасида зарур кўрсатмаларни берган эди, — дейди Муҳаммад Азимов.

Мажмуа ҳудудида гул кўчатларини ўстириш мақсадида махсус иссиқхона қурилган. Ҳар йили юз мингдан ортиқ мавсумий гуллар парваришланмоқда... Мақбара биноси жойлашган ерни захдан ҳимоялаш мақсадида юз метрдан зиёд ариқ қайта бетонланди.

Санъатшунослик институти археологлари билан ҳамкорликда мажмуа ҳудудидаги қалъа девори тупроқдан тозаланиб, бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган ёдгорликлар очилибди. Мингдан ортиқ кўп йиллик манзарали дарахтлар, Қрим ва Элдар қарағайлари, эман, каштан, арча дарахтлари экиб парваришланмоқда. Мажмуа ҳовлисида музей қурилиб, янги экспонатлар билан бойитилган. Чет эллик сайёҳларни кўпроқ жалб этиш, туризмни ривожлантириш, халқимизнинг бой қадимий тарихи, маданияти ва гўзал обидаларини жаҳонга танитиш мақсадида ҳар йили ўндан ортиқ сайёҳлик компаниялари билан шартномалар тузилмоқда.

Ўзбекистон йўли кенгайтирилиб таъмирланмоқда. Юк машиналари кетма-кет шағал тўкаётир. Йўл текислагич оғир машиналар гуриллаб ишлаяпти. Термиз тумани "Янгиобод" маҳалласида намунавий лойиҳа асосида барпо этилган янги уй-жойларни кўрдик. Қишлоқдаги бу ажойиб маскан митти шаҳарчага ўхшайди. Мактаб, маиший хизмат кўрсатиш бинолари, кўчалар ҳақиқий обод ҳаёт тимсолидир. Янги кўчаларга янги номлар ярашиб турибди: "Обод юрт", "Истиқлол", "Гулзор". Бу гўша болалари таълим олаётган 34-мактаб, дорихона, иссиқ нон цехи, озиқ-овқат дўкони юртдошларимиз хизматида. Маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 875 хонадон мавжуд бўлиб, 350 та намунавий лойиҳадаги янги уйлар қурилган. Янги манзилга 2010 йили одамлар кўчиб кирган.

— Илгари бу жойлар пахта майдони эди. Юртдошларимизнинг фаровон ҳаёти учун ғамхўрлик қилган Президентимизга минг раҳмат! Мана, шаҳардагидан қолишмайдиган, барча шароитлар муҳайё янги уй-жойда роҳат қилиб яшаяпмиз, — дейди Гулзор кўчасидаги 7-хонадон соҳиби Изатилла Одинаев. — Янги ҳовлида экин-текин қилиш имкони ҳам бор. Озиқ-овқат маҳсулотлари ўзимиздан чиқади. Баҳорда картошка ковлаб олган эдик. Ўрнига сабзи, булғор қалампири, ошқовоқ, карам экдик. Эшик олдига келинингиз райҳон ва атиргуллар эккан...

Беш хонали янги уйнинг соҳиби Изатилла Одинаев асли шифокор экан. Турмуш ўртоғи билан беш нафар фарзандни вояга етказмоқда. Ҳаёти ободлигидан беҳад мамнун.

"Янгиобод" фуқаролар йиғини раиси Дилором Турсунова ҳамроҳлигида анвойи гуллар экилган кўча бўйлаб борарканмиз, дарвоза олдига сув сепаётган кўҳликкина келинчак салом бериб бизни уйига таклиф этди:

— Хуш келибсизлар, меҳмонлар, бир пиёла чой ичингизлар.

— Бу янги хонадонни ҳам бир кўринглар, — дея Дилоромхон бизни ҳовлига эргаштирди. Хонадон бекаси ўзини Насиба Абдуллаева дея таништирди.

— Янги уйингиз қутлуғ бўлсин!

— Илгари Термиз шаҳрида ижарада турардик. "Янгиобод"да намунавий уй-жой қурилганини эшитиб, давлатимиз томонидан ёш оилаларга берилган имтиёздан фойдаланиб, кредит олдик-да, шу уйни харид қилдик. Мана, энди янги уйда яйраб яшаяпмиз. Янги уй ҳар бир ёш оиланинг орзуси. Истиқлол шарофати билан орзумиз ушалди. Кечагина қўшни хонадонга келин тушди. Янги уйдаги тўй ажойиб ўтди. Янги уй-жойларимиз обод ҳаётимизга асос бўлди. Қўни-қўшнилар иноқ, бирдам ва бахтиёр яшаяпмиз.

Янги уй эгаларининг севинчидан кўнглимиз офтобдек ёришди.

* * *

Пештоқига «Термиз туризм ва меҳмонхона хўжалиги коллежи» деб ёзилган ҳашаматли бинога бурилдик.

— Коллежимиз вилоятда ягона, — дейди ўқув маскани директори Илҳом Жумаев. — Кейинги йилларда ёшларнинг бу соҳага қизиқиши тобора ортмоқда. Чунки вилоятимизда сайёҳлик инфраструктураси янада ривожланмоқда. Барча қулайликларга эга замонавий меҳмонхоналар барпо этилди. Вилоятимизда тарихий обидалар кўп. Уларни кўриш учун узоқ-яқин юртлардан келаётган чет эллик сайёҳларнинг сафи узилмайди. Мустақиллик йилларида тарихимизга қизиқиш юртдошларимиз орасида ҳам кучайган. Дунёнинг кўпгина тарихчилари ҳам бир кўришни орзу қилган вилоят Археология музейи Юртбошимиз лойиҳаси ва ташаббуси билан бунёд этилган. Музей биноси қадимий ва замонавий меъморий услубларни ўзида уйғунлаштирган пештоқи, қуббали гумбазлари билан салобатли кўринади. Музей ичида эса қанчадан-қанча бебаҳо қадимий ашёлар, бой археологик хазина сақланади. Мазкур маънавият маскани билан коллежимиз яқин ҳамкор. Коллежимизни ёшлар воҳа ҳудудидаги Қоратепа, Фаёзтепа, Кампиртепа, Холчаён, Сополлитепа каби қадимий қалъалар тарихини, чет тилларни пухта ўрганиб чиқмоқдалар.

Термиз давлат университети қошидаги 2-академик лицей эришган муваффақиятлар кишини қувонтиради.

— Ўқув юртимизда 1100 нафар ўқувчи таълим-тарбия олади, — дейди лицей директори, филология фанлари номзоди Худойберди Жумаев. — Бизда таҳсил олган ўқувчилар Кембриж, Малайзия, Сингапур, Вестминстер, Россия университетларига ўқишга кирган. Лицейимиз ўқувчиси Фарзона Ҳайдарова «Баркамол авлод» спорт мусобақаларида олтин медални қўлга киритган.

Термиз Олимпия захиралари коллежи истиқлолимиз самараларидан биридир. Ойнаванд пештоқли замонавий бино йўлакларига қизил кошинлар тўшалган. Спорт саройи, машғулотлар ўтадиган заллар кенг ва шинам, барча зарур замонавий спорт анжомлари билан жиҳозланган. Коллеж директори Дилмурод Маматов билан мажмуага кирарканмиз, миллий кураш ва каратэ билан шуғуллланаётган ёш спортчиларнинг мардона ҳайқириқлари эшитилади. Бир залда каратэ бўйича машғулот, иккинчи залда эса миллий кураш бўйича коллеж биринчилиги учун беллашув ўтказилаётган экан. Кўк, оқ ва яшил яктакларни кийиб олган ёш полвонларнинг йўлбарсдек олишаётганлари диққатимизни тортди. Елкалари кенг, мушаклари ўйнаб турган, томирлари ўқловдек бўртган ёш полвонлар вужудидан ёғилиб турган куч уларнинг юрагидаги ор ва номусни, миллатпарварликни ифодалайди.

— Ҳозир ўсмирлар ўртасида самбо, дзюдо, миллий кураш бўйича Ўзбекистон чемпиони Шаҳбоз Каримов деган полвонимиз курашини кўринг, — деди мураббийлардан бири. Кўзлари чақноқ, алпомишкелбат, чайир бир ўспирин тенгдоши билан майдонга чиқди. Ўн сония ичида Шаҳбоз рақибини елкасидан ошириб ерга урди. «Ҳалол!» дея ҳайқириб юборишди даврадагилар жўр бўлиб.

— Полвонларингиз зўр экан. Уларнинг умумтаълим фанлари бўйича ўқиши қандай?

— Кўнгилдагидек. Таълим ва тарбия жараёни амалий машғулотлар билан биргаликда олиб борилади. Мана, улардан бири Сардор Бобомуродов математика фанидан олимпиадада қатнашиб, шаҳар, вилоят босқичларида фахрли биринчи ўринни қўлга киритди. Республика босқичида эса тўртинчи ўринни эгаллади.

Жарқўрғон туманининг Алишер Навоий номидаги, «Намуна», «Минор» маҳаллалари, Ангор ту-



Суратда: чегарачи, капитан Миршод Абзалов турмуш ўртоғи ва фарзандлари билан замонавий уй-жойга кўчиб ўтди.

манидаги «Муҳаммадсодиқ Саттор» фермер хўжалиги фаолияти билан танишдик. Алишер Навоий номидаги маҳаллада 2008 йилда қишлоқ врачлик пункти ташкил этилган экан. ҚВПда 6 малакали врач ва 48 ўрта-махсус маълумотли тиббиёт ходимлари фаолият олиб боради. Ангор туманининг ўзида мана шундай ҚВПлардан 14 таси ишлаб турибди. Шифо масканига боласини олиб келган Нигора Худойназарова билан суҳбатлашдик.

— Қишлоғимизда ҚВПни ташкил этилгани жонимизнинг ҳузури бўлди. Сал тобимиз қочиб қолса ҳам туман марказига қатнаб овора бўлмаймиз. Шундоққина маҳалламиздаги шифокорларга мурожаат этамиз-қўямиз. Соғлигимизни тиклаш борасидаги барча хизматлар беминнат. Эл соғлигини сақлаш йўлидаги бундай ғамхўрлик учун давлатимиз раҳбаридан бениҳоя миннатдормиз.

«Минор» маҳалласидаги XXI асрга мансуб тарихий обида — Жарқўрғон минорасини томоша қилдик. Баландлиги 22 метрлик минора мажмуи обод. Атрофи очилиб кенгайтирилибди, музей барпо этилибди. Пойдевори саккиз қиррали, асоси ўн олти устунли минора ғиштлари ноёб меъморий услубда терилган. Бу маскан тарихга қизиқувчи юртдошларимиз ва ёшлар билан ҳамиша гавжум.

Жарқўрғон туманидаги «Намуна» маҳалласи ўз номига муносиб. Маҳалла вилоятдаги обод маҳаллалардан ҳисобланади. Маҳалла гузари 2003 йили қуриб фойдаланишга топширилган. Фуқаролар йиғини идораси, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари: сартарошхона, пойабзал устахонаси, тикувчилик цехи, компьютер сабоқлари тўгараги иш юритади. Фуқаролар йиғини масъул котиби Исмоил Абдуллаев билимдон, зийрак ва фидойи йигит экан. У ўз маҳалласини жуда яхши билади.

— Маҳалламизда меҳнаткаш, фаровон оилалар яшайди. Улар чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланишади. Сувимиз мўл, еримиз ҳосилдор. Меҳнат қилиб роҳатини кўрмоқдамиз. Бизда ҳаммага иш топилади. Мана, ёнимдаги йигит — адашим Исмоилнинг қирқ сўтих ери бор, бир йилда топган даромадидан иккита машина олди, уйини янгилади. У кам таъминланган оилаларга ҳомийлик ёрдами ҳам кўрсатади. 2012 йилда маҳалламиз тоза ичимлик сув билан таъминланди. Энди ҳар бир хонадонда зилол сув оқиб турадиган қувурлар бор. Маҳалламиз ўйингоҳи ёшлар билан ҳамиша гавжум, спорт мактаби ҳам ташкил этилган.

Исмоил Абдуллаевнинг яна бир хислати намоён бўлди. У бизни маҳалла гузаридаги мўъжаз музейга олиб кирди.

— Тарихга қизиқаман, қадимий ашёларни йиғаман. Топганимни ўзим ташкил этган мана шу музейга ташийман. Ҳар хил кўзалар, тангалар, сирғалар, тўғноғичлар, зебигардон, лаъл, зумрад, қаҳрабо кўзли узуклар, турли заргарлик буюмлари, кўҳна кашталар тартиб билан жойлаштирилган. Бу ноёб буюмларни одамлардан йиғиб олганман. Уларни кўз қорачиғидек асрайман.

Осори-атиқаларнинг йили ва ёши, топилган жойи ҳақидаги саволларимизга Исмоилжон мароқ билан жавоб берар эди.

— Маҳалламиздаги тепаликдан яқинда ичига тўрт киши бемалол сиғадиган улкан хум кавлаб олдим. Бу баҳайбат идишда дон сақланган. Хум ҳали ҳам бус-бутун турибди.

Ангор туманидаги «Муҳаммадсодиқ Саттор» фермер хўжалигининг фаолияти обод ҳаётга узукка кўз қўйгандек ярашган. Карам, ерёнғоқ, кашнич ва укроп кўкатлари экилган далалар оралаб, Камолиддин Муҳаммадиевнинг фермер хўжалигига йўл олдик. Экинзорларда иш қизғин. Одамлар бола-чақаси билан чумолидек меҳнат қилишмоқда. Кўчаларда бекорчи одамни кўрмайсиз, ҳамма иш билан банд. Атрофи ўралган, дарвоза ва деворлари дид билан бўялган хонадон эшигини тақиллатдик. Баланд бўйли, кенг елкали, буғдойранг паҳлавон йигит гурс-гурс қадам ташлаб бизга пешвоз чиқди. Мамнуният билан жилмайиб саломлашди.

— Меҳмонлар, хуш келибсизлар. Кечирасизлар, фермернинг уйи шунақа бўлади-да, — деди эшик олдидаги кенг майдонга ёйилган ерёнғоқларга ишора қилиб. — Ҳосилни яқинда йиғиб олдик.

Турмуш ўртоғига дастурхон ёзиб қўйишни тайинлаб, бизни хўжалиги билан таништириш учун ортидан эргаштирди. Бир томон шиғил хурмозор, яна бир томон ҳосили йиғилган пайкал ўртасидаги бетон йўлакчадан илгари бошладик.

— Иссиқхонани кўрсатаман. 14 сотих ерга лимон экканман.

Атрофи баланд пахса девор билан ўралган, томига плёнка ёпилган иссиқхонага кирдик. Икки ёндаги деворлар пастидан ҳаво алмашиб туриши учун панжарали туйнуклар очилган. Лимон дарахтлари одам бўйидан баланд. Шохлари ҳосилини кўтаролмай эгилган, айрим новдаларга синиб кетмаслиги учун айрилар тиралган. Сап-сариқ лимонлар муштдай-муштдай бўлиб турибди.

— Ҳар тупда ўртача нечтадан лимон бор?

— Тунов куни санаб чиқишибди, ҳар тупда ўртача уч юз ўттизта мева бор. Айримлари тўрт юзга яқин лимон солган. Ўтган йили шу иссиқхонадан ўн тўрт миллион сўм даромад олдим. Тўқсон олти туп лимон, беш туп апельсин, беш туп мандарин, бир туп папайя кўчатим бор.

— Қишда совуқ бўлмайдими, иситиш мосламаси йўқ-ку?

— Деворни баланд тиклаганим учун тепадан яна бир қават плёнка ёпишга мўлжаллаб сим тортганман. Икки қават плёнкадан пастга умуман совуқ ўтмайди. Энди юринглар, боғимизни кўрсатаман. Катта боғнинг тўригача асфальт. Машинада бормасак, чарчаб қоласизлар.

Камолиддиннинг «Дамас» машинасида боғни айландик. Бир гектардан зиёд интенсив боғни йўл-йўлакай таърифлаб борди.

— Мана бу олма кўчатларини Туркиядан келтирганман. Бодом, ёнғоқ ниҳоллари экиб парваришладим. Боғнинг ярми узумзор, қора ва оқ кишмиш. Сурхондарёда узумнинг бу нави камёб. Отам раҳматли кўчиб келганида бу ерлар саҳро эди. Меҳнат қилиб ер очдик, дарахт экдик. Энди меҳнатимиз самарасидан баҳрамандмиз. Анорнинг ҳосилини йиғиб олдим. Анор ва узумзор орасидаги ерни ҳам бўш қўймайман. Қўни-қўшниларга экин экиб олишга текинга бераман. Агар қаралмаса, бекорга ўт босиб ётади. Бир одамнинг ердан фойдалангани яхши-ку. Тепада олти гектар Самарқанддан келтириб эккан олхўризорим бор. Уёқ узоқ, толиқиб қоласизлар. Қани энди бир пиёла чойга марҳамат, — дея уйига бошлади.

Жинси шим, чорхона кўйлак, кўн этик кийиб олган Камолиддин ўзининг обод ҳаётидан мамнун.

— Ёнимдаги қўни-қўшниларим ҳам ниҳоятда миришкор одамлар. Йилига ўттиз-қирқ миллион сўмлаб даромад олишади. Бу юртда тер тўкиб меҳнат қилган одам асло кам бўлмайди, — деди у чой узатар экан.

Вилоят марказига қайтар эканмиз:

— Фаёзтепани кўрасизлармиз? — деб қолди Муҳаммад Азимов.

Иккимиз ҳам бирваракайига «Ҳа!» деб юбордик. Кўҳна деворлар, баланд зиналар узра қад ростлаб турган буддавийлик ибодатхонаси узоқдан сирли кўриниб турарди. Ёдгорликка яқинлашганимиз сайин унинг эни кенгайиб, бўйи эса юксалиб бораётгандек туюларди. Аллақандай ҳислар юрагимизни қамраб олди. Фаёзтепани илк бора кўраётганимиз бизга жуда қаттиқ таъсир қилди. Ҳаяжон ва ҳайратимизни имо-ишора билан бир-биримизга изҳор этар эдик. Бир томондан Камолиддиндек фермер юртдошларимизнинг тантилиги, меҳнаткашлиги, иккинчи томондан мустақиллигимиз шарофати билан обод этилаётган мўъжизавий обидалар шукроналик ва фахру ғурур туйғуларини тобора жўштирар эди. Биз, Сурхондарёга келаётиб парвоз қилган «Боинг» самолёти каби дунёда тобора юксалиб бораётган Ватанимизнинг ободлик манзараларидан қувонмай бўладими?!

Термиздан пойтахтга қайтаётиб, бир умумий манзаранинг гувоҳи бўлдик. Ҳар гўшада, ҳар маҳаллада қурилиш ва таъмирлаш ишлари қизғин. Шоҳкўчалар янада кенгаймоқда. Электр, ичимлик сув, канализация тармоқлари янгиланмоқда. Одамларнинг хатти-ҳаракати ва меҳнатида обод ҳаётга интилиш, ўз маҳалласини, шаҳрини ободонлаштириш учун фидойилик сезилади.

Қурилиш ва бунёдкорлик — тинч ва фаровон ҳаётнинг тимсоли, ободлик қўшиғидир.

**Салим АШУР,**
**Рустам МУСУРМОН**

# КАСБ МАҲОРАТИ ВА ИХТИСОСЛАШУВ

Тадбир

Журналистика соҳаси айни пайтда жамият ҳаётига таъсир кўрсатадиган энг муҳим воситалардан биридир. Айниқса, компютер технологияси жадаллик билан ривожланаётган бир пайтда журналистларнинг имкониятлари ниҳоятда кенгайиб бормоқда.

Зеро, Юртбошимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида алоҳида таъкиланганидек, "Бугунги кунда ҳар қайси матбуот ходими касб маҳоратини эгаллаш билан бирга, ўз ҳаётий принципларига ҳам эга бўлиши, ҳақиқат учун курашишга интилиши, шу йўлда қатъият ва шижоат кўрсатиши, лўнда қилиб айтганда, виждон амри билан яшашини замоннинг ўзи талаб қилмоқда".

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маданият саройида "Ёш журналистлар малакасини ошириш, миллий ва хорижий ОАВ тажрибасини ўрганиш борасида белгиланган чора-тадбирлар" режасига мувофиқ "Олий журналистика курсларида ихтисослашув масалалари" мавзусида II илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат арбоблари, ЎзМУ профессор-ўқитувчилари, магистрантлар, талабалар ҳамда Олий журналистика курслари тингловчилари иштирок этди.

— Бугунги кунда жаҳон медиа бозорида рақобатнинг тобора кучайиб бориши, мавжуд ахборот оламига мутлақ эгалик қилишга интилувчи ахборотлашган тизимларнинг шаклланиб бориши кузатилмоқда, — деди Олий журналистика курслари раҳбари Беруний Алимов. — Шу боис журналистика соҳаси фаолиятида қўлланила бошланган янги технологик воситалар ёш кадрлардан билим олиш давомида техник ва чуқур таҳлилий кўникмаларни мукаммал эгаллашини тақозо этмоқда. ЎзМУ журналистика факултети қошида ташкил этилган Олий журналистика курслари 2005 йилдан буён фаолият юритиб келмоқда. Ўтган даврда тўрт юздан зиёд тингловчилар журналистика соҳасининг турли замонавий ихтисосликлари бўйича чуқур билим олиб, турли вазирлик ва идоралар, йирик компанияларнинг ахборот хизматларида, газета-журналлар таҳририятларида, радио ва телевидениеда фаолият юритмоқда.

Бундан ташқари, тадбирда "Мустақил Ўзбекистонда ОАВ тараққиёти тенденциялари", "Ўзбекистонда профессионал журналист кадрларни тайёрлаш масалалари", "Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўрисида"ги қонун лойиҳаси юзасидан ўтказилаётган ҳуқуқий экспериментда ОАВнинг роли", "Замонавий ОАВда касбий универсаллашув ва ихтисослашув" каби мавзулардаги маърузалар талаба-ёшларда катта таассурот қолдирди.

Тадбир доирасида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги нашриёт-матбаа ижодий уйларида чоп этилган янги китоблар кўргазмаси бўлиб ўтди.

**Ўз мухбиримиз.**

Журналларни варақлаганда

# "ТАФАККУР" 2013 йил, 4-сон

Журналнинг ушбу сони профессор Абдулла Аъзам ва Хуршид Йўлдошевнинг "Нима дейсиз, замондош?" рукнида берилган "Риёзат чекмагунча" сарлавҳали суҳбати билан очилади. Туб islоҳотлар даврини бошдан кечираётган ўзбек илм-фанининг янги даврдаги тараққиёти хусусида фикр юритилган суҳбатда аниқ ва табиий фанлар ривожи бўйича Ўзбекистон ҳозир дунёнинг ривожланаётган мамлакатлари орасида юқори ўринлардан бирини эгаллаб тургани таъкидланади. Файласуф Абдураҳим Эркаевнинг "Курашади икки тўлқин... ёхуд маданиятлар интерференцияси" мақоласи "оммавий маданият" ва "маданиятнинг оммалашуви" тушунчалари таҳлилига бағишланган. "Бугунги глобаллашув шароитида Ер юзи бўйлаб оммавий маданият тез тарқалмоқда. Бундай маданият фикрсиз, лоқайд инсонни шакллантириб, аҳоли онгини бошқаришга қодирлиги сабаб дунё жамоатчилиги унинг ёрдамида ҳаётий муаммолардан чалғитилмоқда. Одамларга аниқ ижтимоий мўлжаллар ўрнига саробий, иллюзор, мавҳум мўлжаллар гўё универсал демократик қадриятлар сифатида тиқиштирилаётир. Баъзи ривожланаётган мамлакатларда кейинги йилларда юз берган демократия учун курашлар фуқаролар урушига айланиб кетиш хавфини туғдирмоқда", деб ёзади муаллиф.



Шаҳодат Муродованинг "Миллат ва маънавият" рукнида берилган "Ижтимоий тармоқ "сўқмоқ"лари" мақоласида интернет хизмати билан боғлиқ ўткир муаммолар ҳақида сўз боради. Муаллиф бу ўринда таниқли шоир Хуршид Давроннинг "Интернет бамисли дудама пичоқ. Бировнинг қўлида у олма пўстини чиройли айлана қилиб арчади, бировнинг қўлида гўдак жонига қасд қилади", деган фикрини шарҳлаб, "ижтимоий тармоқлар воситасида кимдир эзгу муждалар еймоқда, яна кимдир тубан режаларини рўёбга чиқариш, чўнтак қаппайтириш пайида", деб таъкидлайди.

"Тафаккур" мухлислари "Маъно ва моҳият" рукнида Абдулла Шернинг "Эстетик дид ва идеал", XVIII аср Ғарб мутафаккири Дени Дидронинг "Даҳо", "Шарқу Ғарб фалсафаси" рукнида Гулчеҳра Қобулниёзованинг "Ибн Сино ва таносуҳ ғояси", профессор Мансурхон Тоировнинг "Поезддаги бир ўзбек" каби мақолаларини мутолаа қиладилар.

Темурий маликалардан Жаҳонаро бегим (Шоҳ Жаҳон Мумтоз Маҳал қизи) қаламига мансуб "Соҳибия" рисоласидан парча, публицист Сайди Умировнинг "Закийлар гурунги", Нажмиддин Низомиддиновнинг "Жанубий ва Шарқий Осиё: динлар ва таълимотлар" мақолалари, таниқли рус адиби Михаил Веллернинг Низом Комил таржимасидаги "Крематорий" ҳикояси, шунингдек, Хуршид Нуруллаевнинг "Гул қадри — ифорида" деб номланган қайдлари, "Жавондаги жавоҳир" рукнида берилган Илҳом Ғани мутолла қилган китобларга доир "Огоҳлик қўнғироғи" мақолалари ҳам журналнинг ушбу сони мундарижасини бойитган.

# ЭРКИН БАДИИЙ ТАФАККУР

## ВА БУГУНГИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Назаримда, ҳозирги ўзбек шеърияти ифода усулига кўра тахминан қуйидагича кўринишга эга: анъанавий; халқона (фольклор анъаналари дохил); модерн; аруз; синкретик. Аммо таъкидлаш жоизки, дунёни эстетик-бадиий талқини бобида асосан иккита кучнинг мусобақасини кузатиш мумкин: бу — анъанавий ва модерн оқимлари ўртасидаги беллашув. (Бундай мусобақа ҳамиша бўлган аслида ва у яқин тарихимизда, масалан, "анъана ва новаторлик" деб аталган). Нима бўлганда ҳам, кейинги 20 — 25 йил мобайнида жамиятда юз берган ўзгаришлар замонавий ўзбек шеърияти қиёфасига жиддий таъсир кўрсатгани бор гап. Ташқаридан "келтирилган" оқимларнинг таъсири эса аллақачон умрини яшаб бўлди. Зотан, ҳаёт — барча янгиланишлар манбаи, сарчашмаси! Ҳаётимизда кечаётган азим ўзгаришлар туфайли нафақат шеърият, балки бутун бошли адабиётимиз мафкурага хизмат қилишдан қутилиб, ўзининг азалий ўзанига тушиб бормоқда. Натижада адабиёт ғояни тараннум этишдан бош кўтариб, инсонга яқин келди, унинг дардини куйлай бошлади. Бошқача айтганда, шоир кўнгилни шеърга солишга киришди.

Буларнинг ҳаммаси яхши. Фақат кутилмаганда масаланинг бошқа бир қирраси юз кўрсатди. Шоир ҳаддан ташқари ўз олами билан банд бўлиб, атрофни, жамиятни бир қадар "унутди". Шоир учун ўз субъектив оламигина бирламчи ҳақиқатга айланди. Бу эса шеърият майдонининг торайишига олиб келган жиддий сабаблардан бири. Бошқа ёқдан эса шаклга қаттиқ меҳр боғлаган шоир адабиётни ўйинга айлантириш пайига тушди. "Ҳақиқий адабиёт, чинакам шеър бу юксак санъатдир", деган шиор остида ижод қилувчилар сони бир мунча ортди. Бундай тутим ҳам маълум маънода шеъриятнинг зиёли-ижодкорлар, бўлажак филолог-талабалар, мутахассислар ва муайян қизиқувчилар доирасида кўпроқ ўқилишига олиб келмоқда. Турсун Али, Баҳром Рўзимуҳаммад, Фахриёр, Азиз Саид, Гўзал Бегим каби ўзбек шоирлари (дунёқарашлари, истеъдодлари ва услубларидаги жиддий фарқларга қарамай) қайсидир маънода шу умумий йўналишнинг кўзга кўринган вакилларидир.

Айни пайтда, ўзбек шеъриятида анъанавий йўналиш ҳали-ҳамон ташаббусни ўз қўлида тутиб келаётганини таъкидлаш жоиз. Чунки бу йўналиш халқ руҳи билан, унинг қизиқиш, ўй ва дардлари билан чамбарчас боғланиб кетган. Шунга кўра, бу йўналиш вакилларининг ижод намуналари бир неча минг нусхада чоп этилиб, тез тарқалиб кетади. Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ҳалима Худойбердиева, Шавкат Раҳмон, Усмон Азим, Муҳаммад Юсуф, Маҳмуд Тоир, Сирожиддин Саййид, Иқбол Мирзо, Фарида Афрўз бугун энг кўп ўқилаётган шоирлар. Матназар Абдулҳаким, Саъдулла Ҳаким, Усмон Қўчқор сингари шоирларнинг битикларида ҳаётий тажрибанинг фалсафий мушоҳадакорлик билан йўғрилиши натижасида вужудга келган поэтик лавҳаларга гувоҳ бўлаяпмиз. Чоршамъ, Рустам Мусурмон, Салим Ашур, Икром Искандар, Қўчқор Норқобилнинг кейинги йиллар ижод намуналари ўзининг пишиқчилик палласига кирганига далил. Ҳалима Аҳмедова, Раҳимжон Раҳмат, Зебо Мирзаева, Хосият Рустамованинг яратаётган рамзий шеърлари эса янгиланаётган бадиий тафаккур маҳсули сифатида намоён бўлмоқда. Пойтахт, Қорақалпоғистон ва вилоятларда ижод қилаётган Абдулла Шер, Кенесбой Каримов, Бахтиёр Генжамурод, Энахон Сиддиқова, Одил Ҳотамов, Шафоат Раҳматуллаев, Исмоил Тўхтамишев, Хосият Бобомуродова, Хуршида, Наби Жалолиддин, Ҳалим Карим, Ўроз Ҳайдар, Исмоил Маҳмуд Марғилоний, Баҳодир Исо, Гавҳар Ибодуллаева, Замира Рўзиева, Мақсуда Эгамбердиева, Носиржон Тошматов, Жамолиддин Муслим, Жумагул Сувонова, Гулбаҳор Саидғаниева, Дилфуза Комил, Мухтасар Тожимаматова, Шодмон Сулаймон, Лайло Шарипова, Шермурод Субҳон, Мунаввара Қурбонбоева, Зуҳра Очилова каби шоирларнинг узоқ-яқинлардан жаранглаётган овозлари шеърпараст дилимизни қувонтирмоқда.

Хуллас, бугунги ўзбек шеъриятида ана шу икки йўналишнинг излари кўзга яққол ташланиб туради. Аммо бир нарса аниқки, бу йўналишлар доимо бир-бирига таъсир қилиб, бир-бирини бойитиб, тўлдириб боради. Шунга кўра, деярли ҳамма ижодкорларда турли адабий йўналишлар оҳангларини учратиш мумкин ва бу табиийдир. Чунончи, забардаст шоир Рауф Парфининг такрорланмас шеърларида анъана ва новаторликка хослик бир пайтнинг ўзида баравар яшайди. Ёш шоирларнинг доимий устози Икром Отамурод қаламига мансуб қатор достон ва шеърларда ҳам ҳар икки йўналишнинг ўзига хос синтезини бехато илғайсиз. Дастлабки шеърларида анъанавий оҳанглар етакчилик қилган Ғулом Мирзонинг кейинги битикларида новаторликка мойиллик сезилади ва ҳоказо.

Шеъриятнинг бағрида ўйинга хос хусусиятдан ташқари меҳнат (яъни наф кўриш) ва сиғиниш сифати ҳам мавжуд. Чунки ҳақиқий бадиий асар ўйин завқи ила яратилгани ва худди шунга монанд шавқ билан ўқилганидан ташқари, у яна меҳнату заҳмат билан бино этилади ва ўқувчига маънавий завқ (наф) улашади. Қолаверса, бундай асар инсон қисматини ўзига жо этган юракдан бир нидо-илтижо янглиғ отилиб чиқади ва ўқувчининг қалбига сингиб кетади. Дин ман қилинган собиқ шўро замонида адабиёт қайсидир маънода жамият кишиларининг диний эҳтиёжларига жавоб берганини эсланг! Демак, чинакам шеър ва умуман, ҳақиқий адабиёту санъат намунаси ана ўша уч хусус(меҳнат, сиғиниш ва ўйин)нинг бағрида туғилади, вояга етади. Албатта, уларнинг қайсидир бири кемтик бўлиб яратилган шеър ҳам шеър ҳисобланиши мумкин. Лекин даражот маъносида уч сифатни бирданига ўзида жо қилган шеърдан кейинда туради. Кузатишларимча, янги санъат, хусусан, модерн руҳидаги адабиёт кўпинча ўйинга зеб беради, натижада нариги иккиси эътибордан пинҳонроқ қолади. Анъанавий адабиёт эса, асосан, санъатнинг фойдалилик (яъни бадиий асарни ўқиган ўқувчи ўзи учун ҳаётда керак бўладиган ниманидир ўзлаштиради) томонига диққат қаратади ва бу ерда ҳам санъатнинг икки сифати маълум маънода "унутилади". Натижада на унисида ва на бунисида улуғ олим Фитрат айтмоқчи, "қонни қайнатгучи, сингирларни ўйнатгучи, мияни титратгучи" кучни сезмайсан, киши. Ҳамма сифат бирданига иштирок этган шеърият билан юзма юз бўлганимизда эса бадиий мўъжизага дуч келгандек ҳайратга тушамиз, руҳан покланамиз (катарсис), дунёга боланинг соф назари билан боқа бошлаймиз.

Шукрки, ҳайрат бармоғимизни тишлашга мажбур этадиган шеъриятимиз бор, лекин "Уни дунё яхши биладими?" деган саволни қўядиган бўлсак, жавоби аниқ: йўқ. Хўш, бунинг сабаби нимада? Аввало, таржимада деган бўлардим. Мен рассом ва бастакорга бир масалада ҳавас қиламан: уларни таржима қилишнинг ҳожати йўқ, мухлиснинг кўзи ва қулоғи соғ, ақлу хуши жойида бўлса, бас, санъат асарининг эшиги унинг учун ҳамиша очиқдир. Сўз билан ишлайдиган ижодкорлар эса таржима қилинмагунча эшиги ва деразаси бўлмаган қасрдек ёпиқ қолаверади. Қасрнинг ичига олиб кирадиган киши бу — таржимон. Таржимон дилни дилга, элни элга боғлайди. Икки тилни билган одам иккита одам, дейилади муқаддас ўгитларда. Асарлари бошқа тилга муваффақиятли таржима бўлган шоир ўша элнинг ҳам шоирига айланади. Ҳақиқий таржиманинг аҳамияти шу даражадаки, ҳалигача Навоийнинг "панжасига панжа урадиган" таржимон топилмагани боис улуғ шоирнинг шеърият олами, унинг бадиияти сирлари дунё учун номаълумлигача қоляпти. Ҳа, Навоий ўз таржимонини кутаяпти. Тахминан 500 йилдан бери. Дунё билган Навоий ҳақиқий Навоийнинг сояси, холос. Худди шу гапни кўплаб ўзбек шоирлари ҳақида ҳам айтиш мумкин ва лозим.

Хуллас, асосий масалага қайтиб айтадиган бўлсак, бугунги ўзбек шеърияти (умуман, адабиёти) бу — эркин бадиий тафаккур меваси бўлиб, унда ҳаётимизнинг барча ранглари — камалак жилоси янглиғ, қалбларда товланишини кўриш, ҳис қилиш мумкин. Аслида, бадиий тафаккурдаги бундай эркинликка осонликча эришилгани йўқ.

Адабиётдаги ўзгаришлар ҳар доим ҳам сиёсий-ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларга мос ҳаракат қилмайди. Уни ўзгартирадиган куч бу — ҳаёт ва уни ижодкор руҳ томонидан идрок этилишидир. Қабул ва идрок жараёни эса вақт талаб қилади. Жараён ўз маромига етиб боргандагина бадиий тафаккурда ҳақиқий эврилишлар юз беради. Бадиий тафаккурдаги ўзгаришлар бу — адабиётнинг янгиланиши демак. Янгиланиш даври етилдими, унга ҳеч ким ҳеч қачон таъсир кўрсатолмайди. Зеро, бундай ҳодисалар халқ руҳидаги ботиний янгоришлар билан бевосита боғлиқ. Хулоса қиладиган бўлсак, бугун биз ана шундай янгиланишлар фаслига қадам қўйганмиз. Бунинг меваларини адабиётимизнинг барча тур ва жанрларида кўраяпмиз.

Ўзбек шеърияти ўз тараққиёт йўлида жаҳон адабиётидан нималарнидир ижодий ўзлаштиришга уринган бўлса бордир (ҳамкорлик, ўзаро ўрганиш, ижодий таъсирланиш табиий жараён, аммо буни тақлидчиликка айлантирмаслик лозим), лекин моҳият эътибори билан бугунги янгиланаётган ўзбек шеърияти сув ичаётган булоқ бу — ҳаётнинг ўзи. Зеро, чинакам истеъдодли шоир ёзаётган шеъри оҳангини қалбига қулоқ тутиб топади. Қалб эса даврдаги ўзгаришларни ўта нозиклик билан илғаб борадиган барометр. Давр ўзгараётган бўлса, демак, билингки, эртами-кечми, адабиётда ҳам янгиланиш муқаррар. Буни Ғарбдан ё олис Америкадан "импорт" қилиш мутлақо шарт ҳам, керак ҳам эмас. Инчунин, Гёте: "Назария қуруқдир, дўстим, Лекин яшар ҳаёт дарахти", деган. Шу маънода мен, айниқса, ёш шоир дўстларимга қарата: шеърингизни қуриб, чўпчакка айланган ҳар хил назарияларга эмас, балки қайнаб-тошиб турган она-ҳаётга суяниб яратинг, дея такрор-такрор айтгим келади.



**Улуғбек ҲАМДАМ**

# НАВОИЙ ВА БОБУР АСАРЛАРИ ПОЛЬЯК ТИЛИДА

Бошланиши биринчи саҳифада.

Таниқли таржимон Януш Кжижовский томонидан тайёрланган ушбу тўпламнинг илк нусхаси Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасига тақдим этилди. Бу янги китоб ва, умуман, Навоий асарлари Польша Миллий кутубхонаси каталогидан жой олгани ҳам эътиборни тортади.

Буюк аждодимиз асарларининг польяк тилига таржималари муаллифи Я.Кжижовский Польша Тиббиёт академиясида ва Варшава университетининг филология факултетида таҳсил олган. Берлиндаги Гумбольдт университетида фан доктори илмий даражасини ёқлаган.

Айни вақтда Я.Кжижовский Заҳириддин Муҳаммад Бобур назмий жавоҳирларидан бир шодасини ҳам польяк тилига таржима қилиб, алоҳида китоб ҳолида нашр эттирди. Ушбу тўплам 2013 йили Варшавада "Indo-Polish Cultural Committee" нашриёти томонидан чоп этилган. Китобнинг кириш қисмидан улуғ шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва фаолияти, шунингдек, шеърияти таҳлил этилган мақолалар ўрин олган.

Энг муҳими, тўпламда Бобур назмий жавоҳирларидан сара намуналар берилгани таҳсинга сазовордир. Нега деганда, шу пайтга қадар дунёда асосан "Бобурнома"ни таржима қилиш ҳамда тадқиқ этиш, Бобур ва бобурийлар сулоласи тарихини ўрганишга эътибор қаратилгани ҳолда, Бобур шеъриятини турли тилларга ўгириш ва кенг тарғиб этиш масаласи эътибордан бир қадар четда қолиб келаётгани сир эмас. Польяк таржимони Я.Кжижовский томонидан тақдим этилган Бобурнинг польяк тилидаги сараланган шеърлар тўплами бу борадаги бўшлиқни тўлдиришда жиддий ва муҳим қадам десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Яна бир аҳамиятли жиҳат – тўпламни тайёрлашда Шарқ шеъриятининг девон тузиш анъаналарига риоя қилишга интилиш кузатилади. Яъни Бобурнинг нафақат ғазаллари, балки бошқа шеърий жанрларда битилган асарларидан ҳам намуналар польяк тилидаги ушбу тўпламга муайян тартиб билан киритилган. Хусусан, китобдан Бобур қаламига мансуб 116 та ғазал, 146 та рубоий, 5 та қитъа, 16 та фард ва 8 та маснавий, жами 291 та шеърий асар таржималари жой олган.

Тўплам охирида мухтасар луғат ҳам илова қилинган. Бу, ўз навбатида, Бобур назмий асарларида қўлланилган эски ўзбек тилидаги баъзи мураккаб сўз ва атамаларни, миллий мумтоз адабиётимиз анъаналари, халқимизнинг олис тарихи билан боғлиқ айрим муҳим тушунча ва истилоҳларни билиш ҳамда тўғри талқин қилишда польяк китобхонларига яқиндан кўмак беради.

Дилбар шоиримизнинг гўзал шеърлари таржималаридан жамланган ушбу назмий гулдаста фақат польяк китобхонлари учун ажойиб тухфа бўлибгина қолмай, айни чоғда халқимиз маънавий ҳаётида ҳам муҳим воқеадир. Нега деганда, Бобур шеъриятини унинг ворислари бўлган биз ҳам том маънода ўқиб-ўрганишга киришганимизга ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Чунки мустабид шўролар замонида қанчадан-қанча мўътабар аждодларимизнинг номларини тарих саҳифаларидан бутунлай ўчириб юборишга ҳаракат қилинмади, дейсиз.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг халқимизнинг тарихий хотираси қайта тиклана бошлади. Улуғ аждодларимизни ёд этиб, уларнинг маънавий меросини ўзлаштиришга киришдик. Айнан шу даврда ўзбек мумтоз адабиётининг йирик вакили, буюк шоир, тарихчи, географ, давлат арбоби, истеъдодли саркарда, бобурийлар сулоласи асосчиси, темурий шаҳзода Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз юртида ҳақиқий қадр-қимматини топди.

Шу маънода, польяк таржимони Я.Кжижовскийнинг ва бу нодир китобни польяк тилида алоҳида тўплам ҳолида нашр этишга алоқадор бошқа барча инсонларнинг эзгу ишларини юксак қадрлаган ҳолда, давлатимиз раҳбарининг қуйидаги сўзларини келтириш мақсадга мувофиқдир: "Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Ўзбек халқининг довруғини дунёга таратган улуғ аждодларимиздан бири ўлароқ, ул зот бизни тарихимизни қадрлашга, келажакка буюк ишонч билан қарашга ўргатади. Бобур Мирзо бобомизнинг сиймосини абадийлаштиришга қўл урган инсонларга самимий миннатдорлик билдираман".

Бугунги глобаллашув замонида, шиддат билан ўзгараётган, халқлар, миллатлар, турли дин вакиллари ўртасида иноқлик, ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик хислатлари, афсуски, тобора тансиқлашиб бораётган мураккаб дунёда Алишер Навоий ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳазратларининг миллий ва умуминсоний ғоялар тараннум этилган бой маънавий мероси жаҳон миқёсида халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш, бутун ер юзида тинчлик ва тараққиётни таъминлаш борасида улкан тарбиявий аҳамиятга эга.

Улуғ ижодкор боболаримизнинг қалб гавҳари ва тафаккур дурдоналари бўлмиш боқий асарлари замонлар оша яшаб келаётган экан, бу буюк меросдан башар аҳлини қанчалик кўп баҳраманд этсак, она сайёрамизда маънавиятни юксакликка кўтаришда, инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз.



**Акмал САИДОВ,**
**профессор**

### Доимий ҳамроҳ

## «Крылатый конь мечты»



Таниқли шоир, таржимон ва журналист Носир Муҳаммаднинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриётида чоп этилган "Крылатый конь мечты" ("Орзунинг қанотли тулпори") номли рус тилидаги шеърлар тўпламига турли йилларда ёзган ва таржима қилинган шеърлари, Ватан ҳақидаги янги туркуми киритилган. Уларда шоир она-юртни шарафлайди, меҳр-оқибат, муҳаббат, инсон тақдири ва ҳаёт сабоқларидан чиқарган хулосаларини таъсирчан тарзда ифодалайди.

Тўпламдаги лирик-фалсафий манзумалар ўзининг оҳорли ташбеҳларга, кутилмаган ўхшатиш ва сифатлашларга уйғунлиги боис рус тилида ўқийдиган шеърият мухлислари қалбига йўл топади. Шоирнинг рус тилига ўгирилган шеърлари Москва ва Тошкентда турли йилларда чоп этилган "Истоки", "Вдохновение", "Поэзия", "Родники любви" сингари тўпламлари орқали китобхонларга етиб борган.

"Крылатый конь мечты" тўпламидан ўрин олган шеърларни таниқли шоир ва таржимонлар А.Файнберг, В.Афанасьев, В.Лещенко, З.Туманова ва бошқалар рус тилига таржима қилишган.

Нашр масъул муҳаррири А.Устименко. Муҳаррир Ш.Қурбон.

## «Кўнгил билан суҳбат»

Кўнгилда кечган туйғу, кўнгилга ташриф буюрган севинч, ҳис-ҳаяжон жозибаси шеърда ўзининг самимий ифодасини топса кўплаб дилларга нафосатли лаҳзаларни армуғон этиши тайин. Зеро, кўнгил иқрори, кўнгил рози тилга кўчган ҳар қандай гап-сўздан кўра рост ва юқимлидир.



**Кўнглим, мени сендек ҳеч ким билмайди,**
**Эй кўнглим, кимим бор сендан яқинроқ?!**
**Сендек ҳеч ким очиқ гурунглашмайди,**
**Ким ҳам англар мени сендан яхшироқ.**

Шоир Очил Тоҳирнинг "Meriyus" нашриётида босилган "Кўнглим билан суҳбат" номли китобига кирган шеърлар, тўртликлар ва ғазалларида юқорида келтирилган мисралардаги каби очиқ-ошкора, самимий ифодасини топган фикр-ўй, кечинмаларга гувоҳ бўласиз. Ватан мадҳига аталган шеърларида ҳам, ҳаётда кўриб-кечирганларидан келинган хулосаларнинг шеърий баёнида ҳам, мухтасар тўрт мисрага жойланган фикр-сабоқлар ва мумтоз жанр ҳавасида битилган ғазал ва мухаммасларида ҳам О.Тоҳир барчага бирдек тушунарли, равон ва жилваларга йўғрилган усулда қалам тебратган.

Китобга А.Остонов муҳаррирлик қилган.

**Мустақиллик йилларида ўзбек адабиётининг халқаро маданий-адабий алоқалари ҳар жиҳатдан ривожланди, бир қанча асарлар бевосита аслиятдан она тилимизга таржима қилинди. Жумладан, ўзбек-француз адабий алоқалари мавзусида тадқиқотлар юзага келди.**

# XIX АСР ФРАНЦУЗ НАСРИ ТАҲЛИЛИ

### Тақриз

Бу борада Ҳ.Сулаймонов, Ю.Пўлатов, М.Холбеков, Ф.Сулаймонова, Қ.Азизов, Б.Эрматов, М.Сатторова, К.Мустаев, Д.Бобоева, М.Ҳамраев, О.Рустамов, С.Исматов сингари олимларнинг монография ва илмий мақолаларини таъкидлаш жоиз.

Яқинда «Мумтоз сўз» нашриётида тадқиқотчи Улжон Қаршибоеванинг «XIX аср француз романтизм насрининг поэтик хусусиятлари» номли монографияси чоп этилди. Ушбу тадқиқот ўзбек адабиётшунослигида француз романтизм насрининг хусусиятлари тадқиқ этилган илк ишлардан. Муаллиф Шатобриан, В.Гюго каби атоқли француз адибларининг романтизм руҳидаги насрий асарларини илмий-назарий тадқиқ қилган, романтик руҳдаги асарларнинг услубий ўзига хослигини очиб берган.

Тадқиқотнинг асосий қисми ўзаро узвий боғлиқ тўрт бобдан иборат. "Сўз боши"да муаллиф романтизм оқими, бу оқимга мансуб бадиий адабиётни ўрганиш муаммолари, Ғарб фалсафасида ва адабиётшунослигида мазкур мавзуда амалга оширилган ишлар ҳақида сўз юритади.

Муаллиф француз романтизм насри поэтикасининг асосий хусусиятлари ҳақида фикр юритаркан дастлаб "романтизм" тушунчаси, унинг турли фанларда қўлланилиш хусусиятларига тўхталади. Байрон, Гюго, Пушкин, Гофман, Гейне каби романтик шоирлар асарларида романтизм элементларининг намоён бўлиш даражаси ҳамда бу мавзунинг ўрганилиши масалаларига тўхталади. Тадқиқотда ушбу йўналишнинг фалсафий-эстетик хусусиятлари яхши ёритиб берилганини таъкидлаш лозим. Романтизмнинг асл моҳиятини асослашда У.Қаршибоева немис файласуфлари А.Шлегель, Г.В.Гегель, рус танқидчиси В.Г.Белинскийнинг асарларини эътиборида тутган.



Монографиянинг «Шатобриан насри поэтикаси» деб номланган бобида Франсуа Рене де Шатобриан(1768 — 1848)-нинг француз романтик адабиётидаги ўрни, ёзувчи яшаган даврнинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари ёритилган. Ёзувчининг француз адабиётида романтизм тамойилларининг шаклланиши ҳамда ривожланишига асос солгани, Альфред де Виньи, Виктор Гюго каби буюк француз адиблари ижодига кўрсатган самарали таъсири аниқ далиллар асосида очиб берилган. Жумладан, тадқиқотчи тўғри таъкидлаганидек, Шатобрианнинг «Рене» қиссаси қаҳрамони француз романтизмининг биринчи қаҳрамони сифатида гавдаланади.

Шатобриан прозаси матнида замон ва макон тавсифи масалаларига бағишланган фаслда ёзувчининг «Рене» ва «Атала» романлари таҳлил этилган. Назаримизда, мазкур бобда муаллифнинг мавзу баёнида илмий услубдан чекингани, асарлардан узундан-узоқ парчаларни асоссиз равишда келтиргани кўзга ташланади.

Виктор Гюго романлари матни поэтикаси тадқиқида дастлаб «универсаллик категорияси» тушунчаси ҳақида маълумот бергач, тадқиқотчи бу категориянинг романтик проза матнларида намоён бўлиш омиллари масаласига тўхталган. В.Гюгонинг «Мардудлар» романидан олинган французча парчаларга берилган ўзбекча изоҳлар муаллиф фикрини, илмий-назарий кузатишларини тушунишни анча осонлаштирган.

Шуниси эътиборлики, монографияда В.Гюгонинг «Мардудлар», «Денгиз заҳматкашлари», «Кромвел», «Тўқсон учинчи йил», «Париждаги Биби Марям ибодатхонаси», «Кулиб турувчи одам» каби машҳур романлари структурал-семантик ҳамда функционал жиҳатдан ўзбек тилида илк бор кенг ва асосли таҳлил этилган. Шунингдек, тадқиқотчи В.Гюго романларида вақт ва макон тавсифининг ифодаланиш усулларини ҳам таҳлилга тортган.

Маълумки, романтик услубда яратилган насрий асарларда ҳам вазн, ритм муаммоси муҳим аҳамият касб этади. Шунга кўра тадқиқотчи В.Гюго насрида ритм муаммоси таҳлилига алоҳида бир фаслни бағишлаб тўғри иш қилган. Умуман, тадқиқотнинг охирги боби асосли таҳлили билан бизда яхши таассурот қолдирди. Лекин бу қисмда ҳам баъзи ортиқча тафсилотлар, мавзудан чекиниш ҳоллари, русча матнни нотўғри таржима қилиш оқибатида юзага келган айрим услубий нуқсонлар кўзга ташланади. «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»да юздан ортиқ илмий ва бадиий асарлар қайд этилган, айрим адабиётларнинг умумий саҳифаси кўрсатилгани ҳолда, қолганларида бундай тартибга амал қилинмаган.

Умуман олганда, Улжон Қаршибоева мазкур тадқиқоти билан XIX аср француз романтизм насрининг поэтик хусусиятларини тадқиқ этишга салмоқли ҳисса қўшди. Мазкур рисола француз романтизм насри поэтикасини олий ўқув юртларида изчил, кенг ўрганишда, таржима амалиётида муҳим аҳамият касб этади.

**Бекмурод ЙЎЛДОШЕВ,**
**СамДУ профессори,**
**Баҳодир ЭРМАТОВ,**
**ЎзМУ доценти**

Ойгул СУЮНДИҚОВА

# ДУНЁ КЕНГ, ТОПИЛМАС СЕНДАЙИН МАКОН

## ТАРИХ КИТОБИ

"Авесто" — дунёнинг қадим битиги,
Асрлар шамоли варақлар уни.
Тинмайди, тинмайди қалб ҳайқириғи,
Унга қўшилади Аму тўлқини...

Ястанган далалар, ям-яшил яйлов,
Сурув-сурув отлар ёлида шафақ
Нурлари ўйнайди бамисли олов,
Зардуштий кезинган кенгликларга боқ!...

Бунда — боболарим ўтган баҳодир,
Сулув момоларим тиллик, ойдин юз.
Минг-минглаб, эҳтимол милёнлаб нодир
Шу Ватан сувини ичган ҳар бир тилла сўз.

Майсазор, шовуллаб турар буғдойзор
Қуёшда товланиб, ойда ярқираб.
Сўзлар юртидаман, ичимда бедор
Дарёга талпинар сойлар шарқираб...

Сен — кўкдан ёғилган эзгулик мадҳи,
Не шараф, онангдир Хоразм эли.
Сендан бошлангандир буюклар аҳди,
Сендан шоирларнинг чиққандир тили...

Шу азиз тупроқнинг улкан китоби,
Сен — юрак тарихи, Ватан китоби!



Олма-анор иси таралди хушҳол,
Юрагим ўртаниб, чиқаман йўлга.
Азизларим йўқлаб!... Жимгина хуш қол,
Дейман онамдайин жилмайган гулга...

Энди кўринмайди айвонда онам,
Энди кезиб юрмас ҳовлида отам.
Нетай, кўз ўнгимдан кетмайди, болам,
Айвонида онам, ҳовлида отам!..

Дарахтлар қўлини силкийди узоқ,
Кузатиб қўяди қадрдон уйим.
Деворларни аста силайман, титроқ
Солар отам руҳи, хотирот куйи.

Сочқилай бошладим соғинчларимни,
Тўлқинлари заррин сойларга тиниқ.
Райҳон баргларида севинчларини
Гуллатади ёмғир муаттар, ёниқ.

Ортига қайтмайди йиллар бегумон,
Умрим қувончисан, умрим оҳисан.
Дунё кенг, топилмас сендайин макон,
Бахтим, паноҳимсан, қиблагоҳимсан.

***

Ойдин кенгликларга мафтунман, мафтун,
Шивирлари майин, хушбўй ва мамнун,
Саргашта еллардан сархушдир бу тун,
Тилла тангалардай сувларда сокин
Жимирлаб оқади юлдуз шуъласи...

Қушлар тинч, мўйсафид чинорлар вазмин,
Вақт ўлчар бетиним йўлларим вазнин.
Шом тушиб келмоқда шу қадар енгил,
Туйғулари нозик гуллайди кўнгил,
Сочларимда кумуш бахт ашуласи...

***

Менинг самоларга арзим йўқ, она,
Сиздан бошқасидан қарзим йўқ, она.
Мен ҳам бу дунёга келган меҳмонман,
Мен ҳам гоҳида ер, гоҳи осмонман...

Соғинганда селман дарёга оққан,
Товушлари елман тоғларга ёққан.
Сиз десам, кўнглимда дарзим йўқ, она,
Сизни эсламаган бир зум йўқ, она...

Топилмас сиздайин умри покдомон,
Оёғимга мадор, бошга соябон.
Дунёда боримсиз, йўғимсиз, она,
Кўздаги зоримсиз, чўғимсиз, она.

Кўкнинг етти қават қўйлаги ҳарир,
Ернинг етти қават йўлаги чағир.
Борса келмас деган ўзга бир олам
Ичра омонмисиз, фаришта онам...

Менинг самоларга арзим йўқ, она,
Сиздан бошқасидан қарзим йўқ, она.
Мен ҳам бу дунёга келган меҳмонман,
Мен ҳам гоҳида ер, гоҳи осмонман...

## ДУНЁ

Савдоси тугамас бозорлар ичра,
Саволсиз, жавобсиз мозорлар ичра,
Номи йўқ, шони йўқ озорлар ичра,
Яна гуллаётган баҳорлар ичра

Шабнам лабларида узрлар қадар,
Юлдузлар шуъласи — ҳузурлар қадар,
Ёмғир изларида муҳрлар қадар,
Ҳар битта кўздаги меҳрлар қадар

Бу йўлларда оқди не жала, селлар,
Вақт қўлига элак олиб, ун элар.
Тақдирдошим эллар, қардошим эллар,
Қўшиқ бошлайверар ўлмаган тиллар.

Тарихи бетакрор чарх айланади,
Еру кўк бағрида ғарқ айланади.
Қадим китобларда шарҳ айланади,
Мағриб айланади, Шарқ айланади...

Кўнглим, бу дунёнинг бошидан айлан,
Умринг кечар ичи-ташидан айлан.
Сувлари, тупроғи, тошидан айлан,
Қуёш кўзи, ҳилол қошидан айлан!

## ОТА УЙИМ

Отам қурган уй ҳам кексайди, гарчанд
Очиқ деразалар, бағрикенг эшик.
Кўнглим осмонида ҳамиша баланд
Бир этак болани асраган бешик.

Ариқ бўйларида майсалар чаман,
Тераклар учида шаббода синглим —
Кўклам йўлларида энг хушрўй санам
Янглиғ сирим олиб, топади кўнглим.

Бу — менинг туғилган уйим беминнат!
Дарвозани очган йиллар билади.
Қай манзилда бўлмай, тилаб турар бахт,
Ҳамиша Ватаним ҳиди келади.

Муқаддас қўрғоним, жонимга жон сўз,
Болалик — сеҳргар, юлдузли, ойли.
Шуълалар тўкилган кўкка ташлаб кўз,
Шудринглар товланган беҳад чиройли...

Амир ХУДОЙБЕРДИ

# ШЕЪРИМ — МЕНИНГ ВАТАНИМ



## ИЗҲОР

Ўтиб кетди болалик,
Ўтди шўхлик барчаси.
Юлдуз бўлди, ой бўлди
Ёнган юрак парчаси.
Илҳом келди, очилди
Самоватнинг дарчаси.
Илҳом онлари ширин,
Ўзга болни тотмасман.
Шеърим — менинг Ватаним,
Мен Ватанни сотмасман.

Ватан дея, халқ дея
Чиқди илк бор саводим.
Қаламим бийрон бўлди,
Бийрон бўлди давотим.
Дилимдаги бол меҳрим,
Тилимдаги новвотим
Нурга дўнди, нур бўлдим,
Кун ботди, мен ботмасман.
Шеърим — менинг Ватаним,
Мен Ватанни сотмасман.

Билмас ҳеч ким: қайларда
Қолур хоки, турбати.
Ҳижронларни енгишга
Етар кимнинг қурбати.
Ҳар сўзимда ўзим бор,
Сўз — қалбимнинг сурати.
Ўлсам ҳамки бегона
Тупроқларда ётмасман .
Шеърим — менинг Ватаним,
Мен Ватанни сотмасман.

Тандан чиқар жон, аммо
Мен яшайман шеъримда.
Унутилар шон, аммо
Мен яшайман шеъримда.
Фано — беимкон, аммо
Мен яшайман шеъримда.
Ўзга олам кўксида
Асло илдиз отмасман.
Шеърим — менинг Ватаним,
Мен Ватанни сотмасман.

Ҳақдан келса иноят
Шоир зоти суюкдир.
Халқи каби бардошли,
Халқи каби буюкдир.
Шоир қалби ҳамиша
Қувғиндаги кийикдир.
Ватан бағри зўр паноҳ,
Ўзга паноҳ топмасман.
Шеърим — менинг Ватаним,
Мен Ватанни сотмасман.

Ватан учун фидо ҳар
Кипригимнинг толаси.
Юрагимдир қирларда
Ёниб турган лоласи.
Шоир бўлдим, мен оддий
Ўзбекнинг бир боласи.
Бир томирмиз, элдошлар,
Мен сизники — ётмасман.
Шеърим — менинг Ватаним,
Мен Ватанни сотмасман.

## НАЖИБА

Нажиба, ажиб-а,
Бир ёшли қизим,
«Дада», деб илк бора тилга кирибсан.
Менинг бу дунёда қолгувчи изим,
Тетапоя қадам ташлаб юрибсан.
Кўкдан қувонч бўлиб тушган фариштам,
Чароғдай порладинг хонадонимда.
Самони заминга боғлаган риштам,
Минг йилларки кезиб юрдинг қонимда.
Нажиба,
Бошимни онамдай гоҳо
Силайдурсан митти қўлларинг билан.
Ёруғ манзилларга етгин, илоҳо,
Йўлларим туташсин йўлларинг билан.

* * *

Бирма-бир очди фалак ўз талъатин,
Тиклагач шом маснадида шавкатин.

Зарофат буржида Зуҳро порлади,
Берди Чўлпонга фатонат навбатин.

Авжланиб ёнди Зуҳал — зебо ҳусн,
Бўлди танҳо зийнати шамъ ҳайъатин.

Гўё тилло бошимиздан сочқали,
Очди сандиқдан фалак бор сарватин.

Ўйнашур нурлар илоҳий сас ила,
Кўргузур оламга партав санъатин.

Самовий рақс хайлида минг-минг малак
Қувлади кўкдан зулумот калхатин.

Зарнигор гумбаз тагида бир ғариб
Сиғдиролмас кўксига кўк ҳайбатин.

Тортилур дил беҳудуд нур базмига,
Чарх урар руҳ тарк этиб тан турбатин.

Мижжа қоқмасдан Амир зор бўйлади,
Кўк соғинди, тун тушунди ҳайратин.

* * *

Юзи олма, кўзи бир жуфт қаролу қиз,
Изн беринг, боғингизга бороли, қиз.

Олуланиб қонга тўлмиш ишқ захмидан,
Лабингизни олудан қутқароли, қиз.

Ҳуркак-ҳуркак нигоҳингиз олиб қочманг,
Кўксимдаги даштнинг эрка мароли, қиз.

Қарайверсак тортманг қошингиз ёсини,
Тўймадик-ку яна бир бор қароли қиз.

Гар қўшилиб оқиб кетсам қўярмисиз,
Икки кифти тоғу қирқ шаршароли, қиз.

Нетай севги сийратида ситам кўрдим,
Сувратни ҳам қалбимиздек яроли, қиз?

Ўз дилида юрт сўраган Амир эдим,
Энди бўлдик, айтинг, кимнинг қароли, қиз?..

## Мўъжиза

Нафас олган ҳар онинг мўъжизадир — тириксан.
Томирда тоза қонинг мўъжизадир —тириксан.
Мўъжизадир — кўксингда уриб турган юрагинг,
Олдлаги ҳар имконинг мўъжизадир — тириксан.

* * *

Яшайлик тинч, аҳил, инсонларга хос,
Душманлик саодат келтирмайди, рост.
Адоват олови дўзах ўтидан
Бир учқун, бандалар ўтиндир холос.

* * *

Кокилингни ўрмиш минг бир малойик,
Зулфингга занжирми, зар, нима лойиқ?
Кўкни куйдирганда юзунг партави
Зулумот пинжига қочмиш халойиқ...

* * *

Билмадим, шеърларим эскими-янги,
Қалбда садо берар ҳар вақт оҳанги.
Лойни Вақт кулоли обдон пишитган,
Соз эрур боз эски хумнинг жаранги.

Ҳикоя

Луқмон БЎРИХОН

# ТУМОР



Не-не шонли, шавкатли, зафарли ҳарбу зарбларидан кўра никоҳида биргина аёл бўлганлиги боис тарихда ёруғ ном қолдирган салжуқлар султони Селем Иккинчи суронли кунларнинг бирида галдаги жангу жадалга отлана туриб суюкли рафиқаси Дуйгу бегимга қадим момоларидан мерос қолган, айтишларича, сирли бир тарзда жуфтларнинг муҳаббатига муҳаббат, садоқатига садоқат қўшадиган муқаддас туморни тақдим этган. Ўша муҳорабадан ўзи омон қайтмаган, бутун мамлакат буюк ҳукмдорга мотам тутган, Дуйгу бегим эса эрининг қурбон бўлганига ишонмай не-не аслзодалар юборган шилқим совчиларни рад этиб, охир-оқибат саройдан бош олиб чиқиб кетган, мамлакат сарҳадларида қўним топиб, шу жойда момолардан мерос ўша муқаддас туморни кўксига маҳкам босганича эрини гирёна кутган, шу алфозда ўн икки йил, умрининг сўнгги нафасигача овлоқ адирларда саросар кезиниб йўл қараган, жони чиқар пайти ҳам эрининг номини оҳиста пичирлаб, чеҳраси алланечук нурланиб, бутун вужудидан хушбўй ҳидлар таралиб турган, ривоятларга кўра, қавму қариндошлар, оқсочу хизматкорлар марҳума малика кўксида маҳкам тутган ўша муқаддас туморни уч кун уринаурина аранг бармоқлари орасидан ажратиб олишган, ва эъзозу эҳтиром ила пойтахтга жўнатишган, ўша жажжигина табаррук тумор султон саройининг энг бебаҳо мулки, илоҳий муҳаббатнинг тимсоли сифатида йиллар, асрлар бўйи кўз қорачиғидек сақланган экан.

Маҳобатли, муҳташам музейнинг озғин-орик, сап-сариқ, сийрак сочлари силлиқ таралган, бет, бўйин терилари буришган кекса ходимаси султон ва малика муҳаббати ҳақида шу тахлит ҳикоя қиларкан товуши алланечук титраб чиқар, теварагн ойнабанд, ичи митти чироқлар ёғдусидан чароғон токчада куйиб қовжираган юракдек тиришибгина ётган экспонатга тез-тез ишора қилар, гоҳо, ўз айтганларини пайдар-пай таржима қилаётган толхивичдек йигитга, гоҳо ҳазин ҳикоятдан ҳаяжонланиб сомеъ қотган, кўргазмадаги қоп-қора тумор томон ихлос ва эҳтиром ила интилаётган сайёҳларга сарғиш гардишли кўзойнаги остидан саволчан-синовчан тикилар эди. Томошаталаблар тўпида тойранглаб турган кенгсойлик Тўлқин фермер ачинганнамо бош чайқаб, устма-уст уфф тортиб, эҳ, аттанг деб юборди. Ходиманинг титроқ тўла товушиданми ё ўн икки кундан бери олисларда юриб, юртни қўмсаганиданми, ишқилиб, не-не севги саҳналари, ишқ можаролари акс этган ҳинд киноларини кўравериб дийдаси қотиб кетган бўлишига қарамай, маҳзун муҳаббат ҳақидаги ҳикоядан у хийла таъсирланган эди. Ҳатто, қирма-қир гирёна чарх уриб юрган бева малика хаёлида икки-уч жонланиб, кўзларига беихтиёр ёш қалқиб чиққандай бўлди, узоқ бу мамлакатга бир гуруҳ тадбиркорлар билан пишлоқ ишлаб чиқариш сир-асрорларини ўрганиш мақсадида келганини ҳам, серҳашам бу музейга ҳамроҳларининг қутқусига учиб, чала-ярим кийинган сатангларни томоша қилиш илинжида кириб қолганини ҳам унутди. Эсу дарди чароғон ойна остида маҳкам тугилган муштдек бўлиб ётган буюк муҳаббат, чексиз садоқат тимсолида бўлиб қолди.

— Мен шу туморни сотиб олмоқчиман, — деди у бир пайт таржимонга юзланиб.

Таржимон Тўлқинга бир зум таажжубланиб тикилиб турди-да, сўнг унинг сўзларини ходимага етказди. Қари ходима мулойим жилмайиб, вазмин бош чайқади. Чиял бозорида савдолашавериб кўзи пишиб кетган Тўлқин фермер кампирнинг табассумини, бўшашибгина бош чайқашини ўзича тушуниб баттар қизишди.

— Икки баробар ҳақ тўлайман! — деб гувранди.

Гап нима ҳақда бораётганини англаган баъзи бир чет сайёҳлар Тўлқин фермерга таажжубланиб тикилишар, ҳойнаҳой, юксак инсоний туйғуларни қадрлай билувчи шундай танти бойваччани кўриб туришганидан ҳайратланишар, ўзаро хайрихоҳ пичирлашар эди. Ҳатто, унда-мунда фотоанжомлар кенгсойлик меҳмон томон тўғриланиб бир икки ёғду сочиб олди. Шу пайт бошқа бир музей экспонати қошида гангиб турган пишлоқпарвар гуруҳ раҳбари эс-ҳушини йиғиб олдию Тўлқин фермернинг қўлидан тортқилаб уни ташқарига олиб чиқди.

— Маст-паст эмасмисиз, ака, — деб ғазабини сочди раҳбар, — Нима қилганингиз бу? Бутун дунёга шарманда қилдингиз-ку?

Тўлқин ширакайф одамдай сузилди.

— Хотинимга совға қилмоқчи эдим.

— Ўша матоҳнинг нархини биласизми ўзи? Лўли аёллар тўп-тўп сотиб юрадиган туморлардан деб ўйлаяпсиз, шекилли.

Тўлқин фермер саросималаниб қолди. У чиндан ҳам зиёратгоҳлар теварагида хотин-халаж сотиб юрадиган, ҳар хил бало-қазодан сақлашга кафолат берувчи тақинчоқларни эслаб, ойнабанд токчадаги тумор баҳоси ҳам худди ўшаларникидай деб чамалаган эди.

— Ҳа, шундай, — деб ғудранди Тўлқин.

Раҳбарнинг фиғони фалакка чиқди.

— Камида уч-тўрт миллион дўллур туради у! Анови аёл каттаконлари билан маслаҳатлашиб, бўпти, сотамиз, деб қолганида нима қилардингиз, а, нима қилардингиз? Ҳазиллашдим дермидингиз. Бу ерда унақа ҳазиллар кетмайди, ака. Ё сўзингизда турасиз ё... майнавозчилик қилганингиз учун мўмайгина жарима тўлайсиз, жаримаси ҳам юз минг, икки юз минг дўллурдан кам эмас..."

Гуруҳ раҳбарининг лаб-даҳанидан учаётган бу иддаолар бошқа пайт балки қоқ қаншарга тушган муштдай Тўлқиннинг кўзларидан кўкиш-яшил учқунлар сачратиб юборар, сафарга отланишган куни ташкилотчилар майда-чуйда харажатларга деб улашган, кенгсойлик тадбиркор емай-ичмай чўнтагида асраб юрган уч-тўрт тангани маҳкам чангаллаган куйи орқасига қарамай қочиб қоларди. Аммо айни чоғда Тўлқин фермер худди жодулангандай кўзлари чақнаб, миийғида илжайиб, жунунваш тебраниб турар, кўз ўнгида сершовқин, серҳашам шаҳар, маҳобатли, муаззам музей эмас, бир-бирига елка тутиб кетган беҳудуд қир-адирлар, бийдай дала-дашт ястаниб кўринар, оппоқ юзига ҳасрат соя солган, қуралай кўзлари мунгли, жингил сочлари тўзғин, мотамсаро малика у томон талпинаётгандек туюлар, юрагида соғинчга, интиқ-интизорликка ўхшаш ҳислар чарх уриб айланар, тинимсиз танбеҳ бераётган раҳбарнинг, қўлларидан тортқилаб уни автобус томон етаклаётган ҳамроҳларининг гап-сўзлари ҳам қулоғига бамисли олис-олислардан, элас-элас, узук-юлуқ эшитилар эди. Не тонгки, сафар муддати тугаб, кечки пайт баҳайбат "Боинг" ўриндиқларига ястаниб ортга қайтишар экан, ҳали-ҳануз ўша тилсимли, тотли туйғулар талошида тебраниб, ичу таши сержило ранглар жилвасидан ёришиб, гўёки учоқ ичида эмас, ўзи қанот чиқариб, уклар булутлар билан ўйнашиб, юлдузлар билан бўйлашиб парвоз этиб борарди.

Тун тимқора чодирини шоша-пиша йиғиб теварак тиниқ тортаётган бир пайтда Тошкентга келиб қўнишди. Аэропорт ҳамишагидек гавжум. Баланд бино биқинидаги панжара ортида кутувчилар, хира киракашлар ғира-шира кўзга ташланади.

Тўлқин учоқда тузукроқ мизғий олмаган бўлсада, ўзини тетик, бардам ҳис қилар, кўринган билан кўришгиси, қучиб ўпгиси келарди.

Кимдир уйқусираган товушда минғирлади:

— Бола-чақага арзигулик совға-салом ҳам ололмадик. Юринглар, ҳозир тўппа-тўғри "Отчопар" бозорига бориб у-бу нарса сотиб оламиз.

— Яхши таклиф бўлдику-я, — деди кимдир қитмирларча томоқ қириб, — амолекин Тўлқинбойни олиб бормаймиз. Худди музейдагидай кўтара савдо қилсалар, бизга ҳеч нарса қолмайди.

Ўнгу сўлда пиқ-пиқ кулгу саслари эшитилди.

Тўлқин ҳазил-ҳузулларга парво қилмади. У айни пайтда чиндан ҳам ўзини бой-бадавлат, қўли узун, тили узун ҳис этар, юриш-туришида, нигоҳларида алланечук виқор ва салобат шарпалари кезинарди. Шу сабабдан бўлса керак ҳамроҳлари билан "Отчопар" бозоридан совға-саломлик харид қилганида сотувчилар, тиқилинч автобусга ўтириб ўз туманига жўнаганида ҳайдовчилар, бошқа йўловчилар унга ажабсиниб, қизиқсиниб қараб-қараб қўйишарди.

— Тўлқин ака, сафар сизга жуда ёқибди, — деди таниш киракаш уни туман марказидан қишлоғига элтиб қўяркан, — Ўн икки кун ичида анча ўзгариб кетибсиз. Тўғриси, таниёлмай қолдим.

Жаҳонгашта фермер эътирофларга илжайибгина бош ирғаб қўяр, кўрган кечирганлари ҳақида одатдагидек овозини бералла қўйиб гапирса, баралла кулса, гўё шундоққина кўз ўнгида товланиб, ороланиб турган ғоят нозик, ғоят нафис бир хилқатни чўчитиб юборадигандек, ўзи тубсиз зулмат қаърига қулайдигандек, бор бисотидан ажралиб қоладигандек туюларди.

Кўп ўтмай Кенгсой дала-дашти, баланд-паст қир-тепаликлар кўзга ташланиб қолди. Туйқус хаёлотида тағин тоғу тошлар оралаб гирёна юрган мотамсаро малика жонландию Тўлқиннинг тану жонига тотли титроқ таралди. Юраги гурс-гурс ура кетди.

— Шу ерда тўхтатиб юборинг, — деди у ғудраниб.

— Нега? — ажабланди ҳайдовчи. — Ҳали уйингизга анча бор-ку?

— Сал пиёда юрмоқчиман, оёқнинг томири тортиб қолди.

— Уйингизгача олиб бориб янгамдан суюнчи сўрайман дегандим-да.

— Мен қир ошиб боргунча, бемалол хабар етказишга улгурасиз.

— Келишдик, — деб кулди ҳайдовчи.

Тўлқин фермер ғайри ихтиёрий бир тарзда, шоша-пиша машинадан тушиб қолди. Назарида ерга эмас бир парча булут устига оёқ босгандай ҳануз ҳаволаниб, боши андаккина айланиб турарди.

— Тўғри қилдим, — хаёлан ўз қилмишини ўзи оқлашга уриниди у, — анови тепаликдан липпа ошиб ўтсам, уйимнинг устидан тушиб бораман. Йўлйўлакай лалмидаги экинимга кўз ташлайман.

Кун асрдан оққан эди. Қиш қаҳридан эндигина қутулган қир-адирлар қуёшнинг илиқ тафтига ялангоч яғринларини тоблаб ётарди. Нам тупроқ иси, кўклаб қолган майсалар ифори димоқларга хуш уриладн.

Тўлқин сафар тўрвасини елкасига осиб, сон-саноқсиз мол-ҳол изи бўйлаб тепаликка кўтарила бошлади. Димоғи чоғ, кўнгли кундай равшан эди. Ногоҳ шундоққина қаршисида, қирнинг қиясида, қайлардадир интиқ-интизор тикилиб жонсарак турган аёлга кўзи тушдию таққа тўхтади. Тўхтадию ўз хотинини таниб хаёллари алғов-далғов бўлиб кетди. "Ия, Матлуба-ку?! Бу ерда нима қилиб юрибди? Ё бирор мол-пол житириб қўйдимикан?"

Балки бошқа пайт бўлганида кўз ўнгида бадар кетган жонивори жонланиб жаҳонгашта фермер жаҳл отига миниб, жундор бармоқлари беихтиёр муштга айланарди. Аммо айни чоғда... гўё қуввати қуриб қўналғасига қўнаётган қуёш Матлубанинг сарғиш-қизғиш либосидан қайта чўғланаётгандек, чўғлар бир парча алангага айланиб унинг юрагига ҳарорат, ҳаловат индираётгандек туюлди. Беихтиёр қийқириб хотини томон имо-ишора қилишга чоғланди. Бироқ аёл шартта ортига бурилдию қияликдан пилдираганича эниб кетди. Тўлқин қичқириб уни тўхтатмоқчи бўлди, лекин ҳаяжондан қуруқшаб қолган бўғзидан бор-йўғи заифгина ҳирқироқ сизилиб чиқди. У сафар халтасини орқалаганича жон ҳолатда қир устига интилди. Бироқ улгурмади.

Тўлқин тепалик устидан ҳансираган қуйи кўз ташлаганда хотини аллақачон ҳовлисида куймаланиб турганини кўрди.

Балки бошқа пайт бўлганида хотинининг бефаросатлигидан фиғони фалакка чиқиб, тишлари ғазабдан қайралиб, ортидан тошлар отиб қоларди. Аммо айни чоғда... пастга пилдирабгина Матлуба эмас, неча кунки кўз ўнгида жилоланиб, жилваланиб турган хилқат сарғиш-қизғиш этакларини силкитиб гўёки нозу истиғно билан ортидан чорлаб уйи томон эниб кетгандай туюлди. Юз-кўзига табассум қалқди. Юраги завқ-шавқдан ҳаприкди. Худди шу завқ-шавқ мавжида ҳовлисига қандай кириб борганини сезмай қолди.

— Ассалом...

Матлуба иккала қўлини ҳам кўксига қўйиб, негадир эрига эмас, унинг оёқлари остига тикилган қуйи пешвоз чиқди. Тўлқин фермер бош ирғаб алик олган бўлди. Негадир илк марта қаллиғи билан учрашувга чиққан йигитдай довдиради. Хотини илдам интилиб эрининг қўлидаги тўрва-халтани олаётган пайт ногоҳ кўзлар тўқнашди. Шундагина Тўлқин Матлубанинг қароғлари қувончданми, йиғиданми намиқиб, хира йилтиллаб турганини пайқади.

— Яхши ўтирибсиларми, — деб қўйди у пойабзалини ечиб ичкарига кираркан.

— Тузук...

— Боллар кўринмайди.

— Салимингиз қўзиларни ҳайдаб кетган, Сардор ҳали мактабдан қайтмади, йўл-йўлакай тоғамникига ҳам кириб чиқаман, деганди.

— Матлуба! — беихтиёр қичқириб юборди Тўлқин.

Эрининг оёқ кийимини артиб даҳлизга қўяётган хотини чопқиллаб кириб келди.

— Лаббай.

— Анови нима? — Тўлқин ботинмайгина сервант токчасига ишора қилди.

— Ҳа, уми, — деди Матлуба ўша томон ажабсиниб кўз ташларкан, — тумор-ку.

— Тумор?! Қанақа тумор?

Матлуба оҳиста пичирлади.

— Раҳматли қайнонам берганди... момолардан қолган мерос экан.

— Нега у бу ерда ётибди? Тумор тақиб юрилмайдими?

— Тақиб юрардим,— деб пичирлади Матлуба, — ўзингиз... бунингдан тер иси келаркан, ечиб ташла, дегандингиз-ку, шунинг учун ... шу ерда ётибди.

— Йўғ-е...

Тўлқин сервант ойнасини очиб туморни қўлига олди. Бироз иккиланиб тургач, уни секин ҳидлаб кўрди.

— Чин, — деди бурнини жийириб, — бунингдан тер иси келаркан. Майли, ҳозирча шу ерда тура турсин.

— Ихтиёрингиз, — деб пичирлади Матлуба.

Тўлқин ер остидан секин хотинига қараб жилмайди. Айни чоғда... қаршисида нозланиб, солланиб турган аёл неча кундан бери хаёлида жонланиб, орому тинчини ўғирлаган маликанинг ўзгинаси эканлигига сўзсиз иқрор бўлди.

# ФЕСТИВАЛ САБОҚЛАРИ

**Ҳакамлар ҳайъати аъзоси сифатида "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этган Ўзбекистон қўғирчоқ театрларининг IX анъанавий кўрик-фестивалида иштирок этдим. Самарқанднинг энг катта ва кўркам кўчасидаги "Регистон" меҳмонхонасига жойлашиб, шу куниёқ Асрор Жўраев номидаги Самарқанд вилоят қўғирчоқ театрида мезбонларнинг "Яшил қоп сири" спектаклини томоша қилдик.**

Рус тилида намойиш этилган бу спектакл ўзимизнинг "Ур, тўқмоқ" номли машҳур халқ эртагимиз асосида Зулфия Диёрова тайёрлаган инсценировка экан. Чамаси юз эллик кишилик залнинг ярми боғча ва мактабларнинг бошланғич синфларида ўқувчи болалар, иккинчи ярми эса фестивал иштирокчилари билан банд. Эртаси эрталаб Регистонда фестивалнинг ўзига хос очилиш маросими бўлди. Республикамизда мавжуд 10та қўғирчоқ театри ҳамда санъат ва маданият институти қўғирчоқ театри актёрлиги факултети юқори курс талабалари билан ҳисоблаганда 150 дан ортиқ иштирокчи жамланибди шаҳри азим Самарқандда. Четдан қараган одамга бу дурустгина издиҳом, жиддий тадбир. Бироқ бир кун аввалги спектаклни кўриб туриб бу жиддиятни ҳис қилмадим. Аксинча, инсценировка ҳам, актёрлар ижроси ҳам, қўғирчоқлар техникаси, саҳна безаклари, режиссура, мусиқа ва ҳоказо томоша компонентлари аксарияти ёркин эмаслиги, таъсирчанлик сустлиги сезилди. Табиийки, бу болаларнинг шовур-шувур, бетоқат ҳаракатларидан ҳам дарҳол аён бўлди. Томошадан зерикиб, залнинг меъморий хусусиятларига қизиқаман. Ниҳоятда мустаҳкам, дид билан қурилган ва безатилган томоша зали. Ўтган аср бошларида, балки ундан ҳам аввалроқ қурилган бу бино росмана театр кайфиятини уйғотадиган сокин, сайрбоп хиёбонда жойлашган. Аввалроқ Ҳамид Олимжон номидаги вилоят мусиқали драма театри бўлган, кейинчалик болалар қўғирчоқ театри жойлаштирилган мазкур бинодан бироз қуйироқда яна бир тарихий табаррук даргоҳ — Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг бундан росмана бир аср муқаддам "Падаркуш" асари саҳналаштирилиб, сўнг 1914 йил 15 январида илк бор намойиш этилган бино — ҳозирда вилоят савдо-сотиқ палатаси жойлашган маскан. Атроф-жавонибнинг ўзи манаман дея театр муҳитини бериб турибди. Қўшимчасига айни хазонрезги палла — хиёбон янаям ажиб тус олган, назаримда, бари-барчаси театрона сурат касб этган. Шундай жойда зерикарли, нурсиз спектакл қўйиш мумкинми?!



"Яшил қоп сири" спектаклидан лавҳа.

Очиғи, барча спектаклларни дастлабки кўрикдаги ҳолатда ва кайфиятда кўрдим, десам инсофсизлик бўлади. Иккинчи куни намойиш этилган Қашқадарё вилоят қўғирчоқ театрининг "Тандир она саховати", Бухоро вилоят қўғирчоқ театрининг "Оҳанг ва офат", кейинги кунларда фарғоналикларнинг "Ўз уйингни ўзинг қадрла", Республика қўғирчоқ театрининг "Юлдузли бола" (инглиз драматурги Оскар Уайльд эртаги асосида), самарқандликларнинг ўзбек тилидаги "Жайронгул" спектакллари қандайдир ёркин жиҳатлари билан эсда қоларли томошалар бўлди, дейиш мумкин. Масалан, "Тандир она саховати"да драматург Б.Маҳмудовнинг, режиссёр, мусаввир ва бастакорнинг оригинал ёндашуви, хаёлот дунёси сезилади. "Оҳанг ва офат"да ғоят долзарб мавзу – мусиқа-шовқин воситасида "оммавий (оломон) маданият"нинг ҳаётимизга бостириб кириб келаётгани, болаларни ножоиз таъсирлардан асраш масаласи ниҳоятда бой тасвирий хаёлот натижаси ўлароқ, ўзига хос безак, либос ва жонли актёр-қўғирчоқларда ифода этилган. Бунда ҳам муаллиф, ҳам саҳналаштирувчи режиссёр, ҳам бош рол ижрочиси Муножот Эргашева ва саҳналаштирувчи рассом Қ.Тошевнинг жонбозликлари яққол намоён бўлади. Ёки Фарғона қўғирчоқ театри спектаклида ўзбилармон, қулоқсиз, ялқов боланинг ўзга сайёраликлар билан учрашиб, ҳар бир нарсанинг қадрига етадиган бўлиши воқеалари асносида "Ўз уйингни ўзинг қадрла", деган бугунда долзарб ғоя муаллиф ва режиссёр Марям Ашурова томонидан таъсирчан ва беозор тарзда кўрсатилган. Рассом, бастакор ишининг мутаносиблиги, қолаверса, спектаклни моддий жиҳатдан тўкис таъминлаб, яхши ташкилотчилик қобилиятини намойиш этган театр директори Таваккал Султоновнинг фидойилигини таъкидламоқ ўринли. "Юлдузли бола"да қўғирчоқларнинг чиройли ва жозибадорлиги, ижро маданияти, юлдузли само фонидаги безаклар алоҳида эътирофга сазовор.

Фестивалда биринчи ўринга лойиқ топилган "Жайронгул" спектакли ижодкорлари Х.Расул, Э.Ўринов, Ш.Усмонова, Н.Султонов, Д.Ёрова, А.Абдуллаев хизматлари туфайли инсон она табиатнинг бир бўлаги сифатида барча набототу ҳайвонот оламига меҳр қўйиши, асраши, жониворларни сабабсиз қирғин қилишдан сақлаш ғояси драматургия ва ижро жиҳатидан уйғун ифодаланган.

Юқорида қайд этилган спектакллар ижобий эътироф топганига қарамай, фестивал давомида қўғирчоқ театрларидаги энг оғриқ масала драматургия ва режиссура масаласи экани яққол кўзга ташланди. Актёрлик маҳорати борасида ёркин муваффақиятли чиқишлар (В.Юсупова, Қ.Парпиев, А.Абдуллаев) бор. Улар ўз маҳоратларини санъат соҳасидаги олий ва ўрта-махсус ўқув юртларидан келиб, ижодий труппаларга қўшилаётган ёшларга ўргатмоқдалар. Бу ҳол театрда ворислик анъаналари сезиларли кечаётганини кўрсатади. Аммо бу соҳада ҳам ижодкорларимизнинг интеллектуал саёзлиги, китоб ўқимаслиги, ижодий хаёлот, ташаббуснинг сустлиги кўзга ташланади.

Қўғирчоқ театридаги энг муҳим соҳалардан бири рассом иши, қўғирчоқ ясовчи уста — рассомлар фаолияти. Бу соҳа ўта зукколикни, хаёлотни, билимдонликни ва давр нафасини аниқ ҳис этишни талаб қилади. Шу маънода зикр этилган дуруст спектакллар рассомлари изланяпти, интиляпти. Аммо Сурхондарё, Хоразм театрлари рассомлари ҳақида бу фикрни айтиш бироз қийинроқ. Шу муносабат билан бир мулоҳаза: республика қўғирчоқ театри инглиз драматурги Оскар Уайльд эртаги асосидаги спектаклида ниҳоятда жозибали, поэтик кайфият — қиёфадаги қўғирчоқларни саҳнага чиқаради. Талаба ёшларнинг Е.Шварц эртаги асосидаги "Икки заранг" спектаклида ҳам шунга яқин ҳолат. Бироқ Хоразм театрининг "Олмос ботир" спектаклида хоҳ ботир, хоҳ малика ёки яна бошқа образларга ясалган қўғирчоқлар жуда катта, меъёридан ортиқ, ҳатто фестивалда мутахассислар таъкидлаганидек, декорацияларни ёпиб қўядиган даражада бесўнақай. Табиий савол туғилади, олам ва одам ҳақидаги образли тасаввури эндигина атак-чечак шаклланаётган болачаларга ғарб эртаклари қаҳрамонлари жозиб, чиройли қўғирчоқлар орқали тақдим этиладию, ўзбек халқ эртаклари миллий қаҳрамонлари бесўнақай, ўхшовсиз, хунук алпозда намоён бўладими? Бу билан биз миллий эртакларимиздаги эзгу ғоя ва мард қаҳрамонларни акс тасвирий образларда кўрсатиб, тарбия жараёнига путур етказиб қўймасмиканмиз?! Ҳар қалай, ўйлаб кўрадиган томонлари кўп.

Шу ўринда Юртбошимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" китобидаги мана бу фикрлар ёдга келади. "Ўйинчоқлар образи боланинг мурғак тасаввурига бамисоли тошга ўйилган нақшдек муҳрланиб, унинг онгида бир умр сақланиб қолади. Гўдакнинг улғайиб, касб танлаши, келажакда қандай йўлдан бориши, ўзининг ҳаёт тарзини қандай ахлоқий-маънавий асосларга қуриши ҳам, ҳеч шубҳасиз, унинг боликда қандай ўйинчоқлар билан ошно бўлиб ўсгани билан белгиланади". Дарҳақиқат, гўдакнинг тасаввури қай бир нарсани дастлаб қандай кўрса, қалбига шундай муҳрлайди. Халқимиз кечмишлари, орзу-умидлари ва бадиий тафаккурининг ўлмас қадриятлари бўлиб қолган алп қаҳрамонлар ва фариштамонанд паризодаю маликалар қиёфалари мўйқалам тасвирида ёки қўғирчоқбоз санъатида қай тарзда жонлантирилса, уни илк бор кўрган бола тушунчаси балки умрининг охиригача шундай ўзгармасдан қолади. Гўдак учун тимсол, образ тасаввур моясидир. Шунга қараб кейинчалик фикр юритади, амал бажаради. Инсон табиати суратга алданишга мойил. Инчунун, гўдак ёшда бу нарса кучли намоён бўлади. Қўғирчоқ бу — ўйинчоқ восита. У қаерда, қай вазиятда болаларга тақдим этилишидан қатъий назар, аввало гўзаллик, меъёр ҳақидаги юксак эстетик талабларга мувофиқ бўлса, ўша ерда керакли самара беради. Қўғирчоқ театрлари фестивалларида қўғирчоқлар ўйинлари воситасида, аввало, умуминсоний ва миллий қадриятларга муносабатни аниқ белгилаб олсак ва уни бирламчи ватанпарварлик йўналишига буриб, гўзал ва ёркин асарлар яратсак, санъат, жумладан, қўғирчоқ театрлари фавқулотда муҳим аҳамият касб этиши аниқ.

Демак, қўғирчоқ театрлари фестивалларини янада кенгроқ, юксакроқ савияда давом эттиришга катта эҳтиёж бор. Санъатимизнинг бу ўта муҳим тармоғига гоҳ беписанд, бепарворроқ юрганлар сони шунда озайса ажаб эмас.



**Шухрат РИЗАЕВ**

# ЯХШИ ИНСОН, МОҲИР ХОНАНДА ЭДИ

**Замонавий ўзбек опера санъатини Тамарахоним, Халима Носирова, Саодат Қобулова, Насим Ҳошимов, Карим Зокиров, Назира Аҳмедова, Саттор Ярашев каби устоз санъаткорларсиз тасаввур этиш мушкул. Зеро, миллий операмиз тамал тошини қўйган бу забардаст хонандалар мактабини давом эттирган шогирдлар саъй-ҳаракати билан бугун ўзбек опера санъати жаҳон саҳналарини забт этди. Ана шундай санъаткорлар орасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Турсунбой Ҳусановнинг ҳам муносиб ўрни бор.**

Ёднома

Санъаткор ҳаёт бўлганида ҳозир 70 ёшини нишонлаётган бўларди. Т.Ҳусанов ижодий камолотга эришиб, ўзидан арзигулик мерос қолдириб кетди.

Марғилон шаҳридаги ўрта мактаб ҳаваскорлик тўгараги раҳбари болалар учун ёзилган бир пардали "Уста Ғайрат" комедиясини саҳналаштириб, бош ролни 5-синф ўқувчиси Турсунбойга топширади. Унинг ижроси устозлар ва мактабдошлари олқишига сазовор бўлади. Ўқувчилик даврида бунга ўхшаш катта-кичик ролларни завқ-шавқ билан ижро этиб юриб, Турсунбой саҳна санъатига қизиқиб қолади. Шаҳардаги маданият уйига ҳам фаол қатнашади. У ерда машҳур қизиқчи Юсуфжон Шакаржоновнинг ўғли Зайнобиддин қизиқ устозлигида саҳна сир-асрорларидан хабардор бўлади. Бироқ ота-онаси унинг санъаткор бўлишига рўйхуш бермагани сабаб Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтига ўқишга киради. Биринчи курсдан сўнг ҳарбий хизматга кетади. Хизматдан қайтгандан кейин санъатга меҳр-муҳаббати кучлилик қилиб Тошкент театр ва рассомлик санъати институтининг мусиқали драма ва комедия факултетига ўқишга киради. Гўзал лирик баритон овоз соҳиби бўлган Т.Ҳусанов талабалик чоғидаёқ Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида иш бошлайди.

Катта саҳнага қадам қўйган илк дамлариданоқ театрнинг етакчи солистлари Карим Зокиров, Халима Носирова, Саодат Қобуловалар устозлигида бир қатор спектаклларда етакчи партияларни ижро этади. Айниқса, Сулаймон Юдаковнинг "Майсаранинг иши" операсидаги Мулладўст партиясини устоз санъаткор Карим Зокировнинг "оқ фотиҳаси"ни олиб ижро этиши ёш ижодкор қалбини олам-олам ғурурга тўлдиради. Унинг ижросидаги Мулладўст овози нафис товланишлари билан ажралиб туради. Фақат хонанда сифатида эмас, актёр сифатида ҳам ўз қаҳрамонининг айни вазиятдаги ҳолатларини, руҳиятини хатти-ҳаракатлар, юз ифодалари орқали томошабинга тўлиқ етказиб беради. Бундан ташқари, "Сўғд элининг қоплони"да Спитамен, "Бўрон"да Бўрон, "Дилором"да шоҳ Баҳром, "Тоҳир ва Зуҳра"да Сардор, "Фидойилар"да Субҳонқул, "Зебунисо"да Аврангзеб, образини ҳам маромига етказиб ижро этади. Мутал Бурхоновнинг "Алишер Навоий" операсида яратган улуғ мутафаккир шоир образи Т.Ҳусанов ижодида алоҳида бир саҳифа очади. Т.Ҳусанов — Навоий ўзининг шоир мавқеига хос ташқи салобати, ўйчан қарашлари билан томошабин қалбида муҳрланиб қолди.



Санъаткор нафақат миллий опера асарларида, балки жаҳон классик операларида ҳам ранг-баранг партияларни маромига етказиб куйлади. Чайковскийнинг "Пиковая дама" операсида княз Елецкий, "Иоланта"да Роберт, Леонковаллининг "Масхарабозлар" операсида Сильвио, Прокофьевнинг "Оловли фаришта"сида Рупрехт, Гунонинг "Фауст"ида Валентин, машҳур "Отелло" операсида Яго образлари бунинг далилидир. Муҳими, Европа ва жаҳон классик операларида Т.Ҳусанов миллий қаҳрамонлардан мутлақо ўзгача қиёфада намоён бўларди. Мустақиллик йилларида саҳналаштирилган "Аҳмад ал Фарғоний" операсидаги бош қаҳрамон — Аҳмад ал Фарғоний образи Турсунбой Ҳусанов ижодидаги энг сўнгги рол бўлиб қолди.

Т.Ҳусанов фақат театрдаги фаолияти билан чекланиб қолмай, Санъат институтининг "Яккахон қўшиқчилик" кафедрасида доцент сифатида ишлаб, кўплаб ёшларга қўшиқчилик сир-асрорларидан сабоқ берган. Радио эфирлари ва телеэкран орқали Турсунбой Ҳусанов ижросида таралувчи лирик қўшиқларнинг ўз мухлислари бор эди. Ҳозирги кунда ҳам бу санъаткор ижро этган "Тийғи ҳажрингда" (Фурқат), "Ёр агар лутф айласа" (Муқимий), "Сўлим боғ" (Эркин Самандар), "Бахтга доим ёр бўлсин" (Анвар Ҳожи), "Келди кўклам" (Жамол Камол) каби қатор қўшиқлар радио эфирлари орқали янграб туради.

Т.Ҳусанов билан бир саҳнада рол ўйнаган, унинг ижодий фаолиятидан хабардор бўлган ҳамкасблари ҳамон уни яхши хотира билан тилга оладилар. Ўзбекистон халқ артисти Исмоил Жалилов у ҳақда шундай эслайди: "Биласизми, театрда ҳам, бошқа жойларда ҳам Турсунбой Ҳусановни ҳамма бир оғиздан фақат яхши гап билан эслайди. Бу камтар ва оддий санъаткорнинг инсоний маданияти юқори эди. Ноёб, чиройли тембрга эга овозли хонанда миллий арияларни ҳам, чет эл классик опералардаги арияларни ҳам бирдек маҳорат билан куйларди. Ниҳоятда саҳнабоп, қомати келишган, гўзал одам эди".

"Тўғрисини айтганда, ҳамма хонанда ҳам зиёли бўлавермайди, — дейди Алишер Навоий номидаги академик катта театр бош дирижёри Анвар Эргашев. — Лекин Турсунбой Ҳусанов зиёли санъаткорларнинг типик вакили эди. Кўриниши, юриш-туриши, муомаласи "мен зиёлиман" деб турарди. Қиёфасидан нур ёғиларди. У ниҳоятда маҳоратли актёр эди. Мутахассис сифатида театр жамоасида катта ҳурмат қозонганди. У миллий опералардаги партияларни ҳам, жаҳон классикасини ҳам бирдек профессионал савияда ижро этарди. Миллий опера санъатимиз равнақига муносиб ҳисса қўшган таниқли хонанда, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Турсунбой Ҳусанов қолдирган ижодий мерос ёш хонандаларга ўрнак бўлиб келаётган бўлса, оталаридан одамийлик, камтарлик, оддийлик фазилатларини сингдирган фарзандлар юрт равнақи йўлида турли соҳаларда ҳалол меҳнат қилмоқдалар.

**Гулчеҳра УМАРОВА**

# "ТИЛЛО НОХУН" СИРЛАРИ

**Анъанавий ижрочиликда мусиқий асарнинг таъсирчанлиги инсон руҳиятига хушкайфият бахш этиши, маънавий озиқ бериши куйнинг миллий ижро безаклари орқали муфассал ифода этилиши билан белгиланади. Бундай мақомга эришиш учун созанда юксак мусиқий дид ва маҳоратга эга бўлиши лозим. Жумладан, танбур ижросида кенг қўлланадиган турли нола, қочирим, зарб каби мусиқий безаклар асар ижросида муҳим омиллардан ҳисобланади.**

Танбурда қалб қўри билан хуш наво таратиб, юракларни забт этган Ўзбекистон халқ артисти Турғун Алиматов ўзбек миллий мусиқа ижрочилигида бетакрор услуб яратган санъат дарғаларидандир.

Танбур азалдан созлар шоҳи ҳисобланган. Нафақат ўзбек, тожик, уйғур халқларида, шунингдек, Афғонистон, Эрон, Туркия, Шимолий Ҳиндистон ҳамда айрим араб мамлакатларида ҳам танбур азалдан чалиб келинган.

XIV асрда соҳибқирон Амир Темур саройида узоқ йиллар беназир санъати билан довруғ қозонган созанда Хўжа Абдулқодир танбурнинг ширвоний, туркий турлари билан бир қаторда "най танбур" деб номланувчи камонли тури ҳам мавжудлигини эслатиб ўтган эди. Мазкур чолғу ҳозир сато деб аталади.

Танбурда яхши чаладиганлар оз эмас, лекин Турғун Алиматовдек "тилло нохун" номини олганлар камдан-кам. Бунинг боиси, устоз созанданинг фақат ўзига хос ижро услубидадир. Т.Алиматов нохунни пастдан юқорига қарата чертиши билан алоҳида ажралиб туради. Бундай амал танбурдан чиқаётган товушнинг янада майин, ёқимли бўлишини таъминлайди. Бу борада устоз шундай деганди: "Тингловчига якка нохун ҳам керак, лекин орасида пирранг қўшилса яна ҳам чиройлироқ бўлади. Бир санъатга яна бир санъат қўшилган бўлади".

Мунгли куйларга чуқурроқ "нола", "кашиш", "молиш", "рез", тез суръатли қувноқ куйларга "пирранг", "тескари зарб", "уфори зарб" ва майда зарблар ишлатиб, мусиқий асарларнинг янада жозибали бўлишига эришган устоз мусиқий меросимиздаги кўплаб асарларга янгидан ҳаёт бағишлади. "Наво", "Чоргоҳ I,II", "Эшвой", "Сегоҳ", "Насри Сегоҳ", "Билакузук", "Тановар", "Нола", "Муножот I, II, III", "Насрулло I, II, IV" "Ажам", "Куйгай", "Эй, сабо", "Гулузорим", "Бозургоний", "Ёлғиз" каби куйлар шулар жумласидан.



Ҳозирги кунда шогирдлари устоз изидан бориб, миллий мусиқа хазинамизга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Ўзбекистон халқ ҳофизлари Ҳасан Ражабий, Маҳмуд Тожибоев, созандалар Абдулла Умаров, Алишер Алиматов, Асрор Аслонов, Аброр Зуфаров, Тоир Қўзиев, Шуҳрат Набиев, Иброҳим Самадов, Адҳам Исмоилов, Шуҳрат Раззоқов, Муҳаммаджон Маматқулов каби истеъдод соҳиблари доимо устоз услуби ва ўгитларига таянадилар.

Ўзбекистон давлат консерваторияси катта ўқитувчиси, Т.Алиматовнинг набираси Аброр Зуфаров биз билан суҳбатда устознинг ижодий мероси ҳақида шундай деди: "Бобом ўзларидан олдинги танбурчилардан фарқли равишда, ўз ижро йўлини яратди. Устозлар танбур харраги олдида қўшзарб билан нохунни тепадан пастга қараб чалишган, бобом эса харракдан узоқроқ, торнинг юмшоқ қисмида пастдан тепага чалишни маъқул кўрарди. Мақсад — куйда ўз ҳолатларини тингловчиларга етказиб бериш бўлган. Масалан, ҳар бир куйни шу куйга мос келадиган пардада ижро этарди. Куй нафақат танбурда, балки бошқа чолғуларда ҳам ўзига хос нафислик билан янграрди. Бир куйнинг ўзини танбурда бошқа пардадан, дуторда бошқа пардалардан, сатода ҳам яна бошқа пардадан ижро этарди. Яъни, куйнинг ҳар бир чолғуга мос пардасини топиш ва ижро маҳоратини юксак даражага етказиш асосий ният бўлган. Ҳозирги кунда танбур ижрочилари бобомнинг йўналишларига асосланмоқдалар.

Ибрат

Бир куни дутор чертиб ўтириб, қайта-қайта созладилар, аксига олиб, икки тор ҳеч бир-бирига эш бўлмади. Анча уриниб, бир куйни бошлолмай турганларида битта тор "чирт" этиб узилди. Шунда, ҳеч нарса бўлмагандек, якка торнинг ўзида куй бошлаб юборса, денг. Шунақа берилиб, илҳом билан чалдики!.. Ажабо, биргина торда ҳам шунчалик мазмун, шунчалик оҳанг бўлса-я, дея қойил қолдик. Узоқ, бир куйни иккинчисига улаб, яйраб чалди. Чертимни тугатгач, мамнун қиёфада дуторни четга қўяркан: "Олтмиш йилдан бери дутор чаламан, икки тори бир-бирига ҳеч кўнгилдагидек соз тушмас экан. Энди билдим, буни асли битта ипда чалсам бўларкан", дея ҳаммамизни кулдирди.

Аброр акадан ҳозир танбурга муносабат қандайлигини сўрадик. "Консерваторияга ўқишга кирган кезларимда бу чолғуга эътибор бугунгидек эмасди. Ўша пайтларда танбурчилар бармоқ билан санарли эди. Консерваторияга тўрт йилда битта танбурчи қабул қилинарди. Истиқлол йилларида жуда катта ўзгаришлар юз берди. Йигирма йил ичида, танбурчилар сафи ошди. Ҳозир танбур ва сато эстрада йўналишида ҳам ижро этилмоқда, созандалар бобомнинг ижро услубларидан фойдаланишмоқда".

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тоир Қўзиев устоз ижодий мероси ҳақида шундай дейди: "XXI асрда танбурда юксак чўққиларга эришган устозимиз Турғун Алиматов: "Танбур, дутор – кўнглимдаги дардимни айтиб, мени енгиллаштиради, қийин кунимда ҳам, яхши кунимда ҳам шу чолғуларимга суянаман", дерди.

Устоз услубининг бошқа услублардан фарқини илғаш қийин эмас. Ноланинг теранлиги, ҳар бир чертимнинг чуқур фалсафага эгалиги унинг ўзига хос қиррасидир. Биз шогирдлар озми-кўпми устознинг ижро услубларини ўзлаштиришга ҳаракат қилдик. Устознинг ютуғи танбур, дутор, сато чолғуларида катта мактаб яратганларида деб биламан".

Дарҳақиқат, бу улкан мерос ҳаммамиз учун қадрли. Бугун бу созларни ёшлар меҳр билан қўлга олишмоқда. Мустақиллик йилларида миллий мусиқага эътибор ортиб, ёшларга кенг имкониятлар эшиги очилди. Асосий гап — уларнинг бу имкониятлардан қандай фойдаланишларида, албатта. Яъни, миллий созларимиздан қанчалик унумли фойдаланишга кўп нарса боғлиқ. Куй-қўшиқда миллий созларга кўп ўрин ажратилса, оҳанглар халқ қалбига яқин бўлади. Ҳақиқий ўзбекона оҳанг эса нафақат ўзимизнинг, балки бошқа халқларнинг дилига ҳам тезроқ йўл топади. Зотан, бетакрор хуш оҳанглар дилларни дилларга пайванд этади.



**Алишер АҲМЕДОВ,**
**консерватория талабаси**

# КОРЕЙС АДАБИЁТИ АНТОЛОГИЯЛАРИ

Доимий ҳамроҳ

Халқаро адабий алоқалар ривожида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Тошкент Давлат Шарқшунослик институти ижодий ҳамкорлик алоқалари аҳамият касб этмоқда.

2010 йили "XX аср ўзбек шеъриятидан намуналар" китоби нашр қилиниб, Абдулҳамид Чўлпондан бошлаб ўттиз бешта ўзбек шоирининг шеърлари корейс тилида чоп этилганди. Шу кунларда "Ўзбек ҳикоялари антологияси" корейс ва хитой тилларида нашрга тайёрланмоқда. Институт профессори В.Ким раҳбарлик қилаётган "Корейс филологияси" кафедраси Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда "Классик корейс шеърияти антологияси", "Классик корейс насри антологияси" (Тошкент. "Истиқлол", 2013) китобларини биринчи марта ўзбек тилида эълон қилди. Ҳар икки антология филология фанлари номзоди, доцент Умида Сайдазимова раҳбарлигидаги таржимонлар гуруҳи томонидан тайёрланган. Антологияларда корейс адабиётининг қадимий давридан XIX асрнинг охиригача бўлган даври қамраб олинган. Наср антологияси кириш ва уч йирик бобга ажратилган. Корейс мумтоз адабиёти билан ўзбек мумтоз адабиётидаги ўхшаш нуқталар борлиги ўқувчи эътиборини тортади. "Қадимги ғояларнинг адабий ҳаёти", деб аталган биринчи бобда X асргача бўлган Уч подшолик ва Силла даври адабиёти хусусида сўз юритилади. Иккинчи боб X — XIV асрларни ўз ичига олган "Корйо сулоласи адабиёти" даври ҳақида маълумот беради. Учинчи боб "Чосон (Ли) сулоласи даври адабиёти" дея номланиб, XV — XIX асрлар адабиёти билан таништиради.







Ҳар уч бобда адабий жанрлар ва давр адабиётининг хусусиятлари тўғрисида атрофлича маълумот берилган.

Шеърият мажмуаси кириш ва тўрт бобдан иборат. Китоб "Қадимги давр шеърияти", "Корйо шеърияти", "Чосон шеърияти", "Навосоз сатрлар" каби бобларга бўлинган. Умуман, бу икки антология адабиёт мухлисида қадимги даврдан XIX асрнинг охиригача бўлган корейс адабиётининг тадрижий ривожланиши хусусида тўлиқ тасаввур беради.

Ўзбек ва корейс халқлари жуда қадим маданиятга эга. Узоқ тарих талотўпларида ўзлигини сақлаб қолиб, жаҳон маданий тамаддунига улкан сиймоларни берган халқлардир. Ўзбек тилида биринчи марта нашр қилинган эллик босма табоққа яқин бу икки антология қадриятларини эъзозлайдиган ўзбек ва корейс халқлари адабий алоқаларига қўшилган муҳим ҳиссадир.

«ЎзАС» галереяси



*Неъмат ҚЎЗИБОЕВ. «Оқтошда олтин куз»*

# ДАНГАЛБОЙ

Ҳажвия

Гапнинг пўсткалласини айтадиган бўлсам, ўта дангалчиман. Бўладиган ишни бўлади, бўлмаганига — йўқ дейман. Унча-бунча майда гап-сўзлар, муаммолар ичида ўралашавермасдан, катта-катта, ўйлашга арзигулик муаммолар ҳақида бош қотираман. Шунинг учун майдалашган одамни жиним суймайди. Тунов кун денг, автобусда папкамни қўлтиқлаб ишга кетаётсам, иккита ғийбатчи хотиннинг гапини бехосдан эшитиб қолдим.

— Опоқи, эшитдингизми, Ойбувининг қизи эрдан чиқиб кепти. Гулдай қиз тўрт ой ҳам ўша хонадонда яшамапти. Қайнонаси "ўткир" аёлмиш. Ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ деяверib, бечора келиннинг "рангини чиқармабди".

— Нимасини айтасиз, эгачи. Оила, турмуш ўйинчоқдек бўлиб қолди ҳозир. Ёшларни-ку ёш деймиз, катталарни нима жин урган, ҳайронман.

Аслида шу хотинларнинг ўзига ҳайронсан. Фақат шунақа майда-чуйда гап-сўзни чайнаганни-чайнаган. Ундан кўра глобал муаммолар, масалан, ер юзида одам кўпайиб бормоқда, бу кетишда бир кун келиб қадам босишга жой қолмаслиги ҳақида бош қотирса нима қилади. Э, буларнинг шунга ҳам ақли калталик қилади.

Мана, мен институтда дарс бераман. Катта домламан. Дарс ўтишда олдимга тушадигани йўқ. Лекцияда қандай дангал гапирсам сессияда ҳам шундай дангалчиман. Гапни ҳам, ишни ҳам катта-катта, жойида қиладиганларни ёқтираман. Шу сабабли, мана неча йилдирки, талабалар билан "сан-ман"га бормай, бир-биримизни сўзсиз ҳам тушуниб қолганмиз. Бу қурғур талаба-жўжахўрозлар шу одатимни билиб, лақаб ҳам қўйиб олишибди. Нима эмиш, "Дангалбой" домламиш! Туриб-туриб бу лақаб ҳам ўзимга ёқиб кетди. Ха, нима, ана у Қўшматовга ўхшаб "Майдамағиз", Тиллаевдек "Тўрткўз" бўлгандан кўра "Дангалбой"нинг салобати қандай! Савлатини қаранг! Кун бўйи узундан-узун лекцияларни ўқиб жаврайсан-у уйга кетар маҳалингда котиба қиз диркинглаб келиб "мажлис" дейдию асабни бузади. Ўргилдим, шу мажлисидан. Эрталаб ишга келмасингдан мажлис, соат ўнда мажлис, тушликдан сўнг мажлис, энди мана уйга кетарингда ҳам бир мажлис қилмаса кўнгли тинчимайди. Раҳбар деган дангал-дангал муаммони ўртага ташласа-да, "Шуни ҳал қилинглар, азизлар", демайдими, кейин биз унинг пучагини пучакка, сараганини саракка ажратмаймизми? Шунча вақтни бекорга сарфламай дунёни ташвишга солаётган муаммолар, масалан, атмосфера ифлосланиб, кислород етишмай бормоқда, ана, ана у тарафда Орол қуриб кетди, шуни қандай тўлдириш ҳақида ўйласак, ечим топсак бўлмайдими? Ҳадеб, талабалар давомати нега паст, ўсиш самарадорлиги тушиб кетганига нима сабаб, ҳужжатлар нега жойида эмас, деяверib шўрлик домлаларни сарғайтиравермасдан. Қанийди, ҳамма менга ўхшаганида шу пайтгача дунёдаги қанчадан-қанча глобал муаммолар аста-секин ҳал бўлиб кетармиди!

Бир амаллаб уйга ҳориб-чарчаб келасану, бу ердаям тинчлик йўқ. Энди хотин жанобларининг ғиди-бидиси бошланади: "Рўзғорда ҳали у йўқ, ҳали бу йўқ, гуруч тугади, ёғнинг "таги" кўриниб қолди, бугун гўштнинг охирги бўлагини солдим". Шунда "Э, нодон хотин, бу кичик рўзғор-ку, бутун бир дунёда озиқа захираси тугаб бормоқда. У ҳақида ким қайғуради?" дегим келадию, нима қиламан тушунмаган "икки"чига лекция ўқиб?

Оёқни узатиб энди дам оламан деганимда кичкинамиз қўлида китобини кўтариб келади.

— Дада, мана бу масалани ечишга ёрдам беринг.

Бола-да, оддий масалани ечолмай қийналаяпти. Менинг ҳам меҳрим бирдан жўшиб кетди:

— Эҳ, ўғлим, бу масаланг нима бўлибди. Шунга шунча қийналасанми? Бу оламда ҳали қанчадан-қанча масалалар ечимини кутиб ётибди. Мен олдин уларга жавоб топишим керак. Сен эса бор-да, анаву "икки"чи онанг билан еч масалангни.

Шундай оғир куннинг адоғига етиб, ёстиққа бошим тегар экан, тушимда ҳам қайси бир муаммо қолдики, шуларни ҳал этиш кераклиги ҳақида ўйлай-ўйлай, муаммонинг ечимига киришаман...

**Вазира ИБРОҲИМОВА**

# ИЛМИЙ АНЖУМАН

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ибн Сино жамоат фонди, Бухоро давлат тиббиёт институти ҳамкорлигида "Ибн Сино таълимоти фан тараққиётида" мавзуида VII халқаро анжуман ўтказилди. Тадбир иштирокчилари дастлаб Ибн Сино туғилиб ўсган Афшона қишлоғини зиёрат қилиб, улуғ аллома ҳайкали пойига гул қўйишди.

Анжуманда академик Ш.Каримовнинг "Ибн Сино таълимотида ўпка касалликлари жарроҳлиги", Теҳрон университети (Эрон) профессори Н.Ҳабибийнинг "Тиб қонунларини қиёсий ўрганиш", Беҳчишаҳар университети (Туркия) профессори К.Кескинбораниг "Ибн Синонинг қисқа тиб қонунлари китоби" каби мавзулардаги маърузалари тингланди. Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори З.Ориповнинг "Ибн Сино ва унинг мусиқашуносликка оид асарлари" маърузаси анжуман иштирокчиларида қизиқиш уйғотди. Ибн Сино жамоат фонди раиси Ш.Зокирхўжаевнинг эътироф этишича, анжуман доирасида буюк алломанинг мусиқашуносликка оид илмий мероси илк бор муҳокама қилинди.

З.Орипов ўз маърузасида алломанинг қомусий асари "Шифо китоби" таркибига кирган "Мусиқа илми тўплами" хусусида фикр юритди. Унинг таъкидлашича, Ибн Сино мусиқий асарлари ўзбек миллий мусиқаси асоси ҳисобланган мақомларни ўрганишда қимматли манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Халқаро анжуман доирасида "Ибн Сино таълимоти ва замонавий тиббиёт", "Халқ табобати Ибн Сино таълимотида", "Ибн Сино меросининг аниқ фанлар тараққиётидаги аҳамияти" каби ўнга яқин йўналишда маърузалар тингланди.

**Диловар ҚОДИРОВА,**
**Бухоро санъат коллежи ўқитувчиси**

# КУН ТАРТИБИДА — КИНО САНЪАТИ

Тадбир

Сўнгги йилларда юртимизда маънавиятимизнинг ажралмас қисми бўлган кино соҳасида сезиларли ютуқлар қўлга киритилди. Ўзбекистон киностудияларида суратга олинган бир қатор филмлар жаҳоннинг нуфузли халқаро кинофестиваллари ва танловлари совриндори бўлди. Кўплаб кинотеатрлар таъмирланиб, томошабинларга кино хизмати кўрсатиш йўлга қўйилди. Бу, албатта, юртимизда кино санъати ва маданиятига давлат миқёсида катта эътибор берилаётгани самарасидир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йилдаги "Кинематография соҳасини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбеккино" миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори кинематография билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий шароитларни яратиб берди. Фармонга мувофиқ кино соҳасида республика ва ҳудудий идоралар фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш, киновидео маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда намойиш этиш тизимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ишлари йўлга қўйилди. "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, кино санъати соҳасида фаолият юритаётган муаллифларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши белгилаб берилди. Давлат студиялари билан бир қаторда, хусусий студияларнинг фаолияти ҳам йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, олдимизда кинематографиянинг янги босқичга кўтариш билан боғлиқ талай вазифалар ҳам турибди. Соҳанинг ҳуқуқий жиҳатларини такомиллаштириш борасида яна қандай ишларни амалга ошириш мумкин?

Яқинда "Ўзбеккино" миллий агентлигида бўлиб ўтган "Кино ва кино маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш" мавзуидаги давра суҳбати ана шу масалаларга бағишланди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, киноарбоблар, кино мутахассислари тайёрловчи таълим муассасалари, хусусий киностудиялар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.



Тадбирда сўзга чиққан "Ўзбеккино" миллий агентлиги бош директори Жаҳонгир Қосимов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Абдуғофир Маматов, депутат Шуҳрат Турсунбоев, "Ўзбеккино" миллий агентлиги бошқарма бошлиғи Рустам Шарипов ва бошқалар бугунги кунда кинофилмларга талаб ва эҳтиёжнинг ортиши, моддий-техник шароитнинг ўзгариши, одамларнинг ижтимоий фаоллиги ва дунёқараши кенгайиб бораётган шароитда муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштириш, кино санъатини мазмунан янги босқичга кўтариш муҳим вазифа бўлиб қолаётганини таъкидладилар. Шунингдек, кўплаб кинотеатрларни қайта ташкил этиш, вилоятлардаги киновидео ташкилотлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида таклифлар ўртага ташланди. Жамият маънавий дунёқарашининг шаклланишида, айниқса, ёшларнинг тафаккурига таъсир қилишда кино санъатининг алоҳида ўрни борлиги таъкидланди. Нодавлат студияларида суратга олинаётган турли мавзудаги картиналарни миллий ғоя ва мафкура асосида мазмунан янада бойитиш лозимлиги айтилди. Йиғилишда билдирилган таклиф ва мулоҳазалар юзасидан тегишли тавсиялар қабул қилинди.

**Ўз ахборотимиз.**

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Театр ижодкорлари уюшмаси аъзоси, Ҳамза номидаги Қўқон шаҳар мусиқали драма театри фахрийси

**Алихон УМАРОВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Соғлиғинг — бойлигинг...

# УЗОҚ ЯШАШНИНГ ХИТОЙЧА УСУЛИ

**Жаҳон матбуоти хитойлик қарияларни "югураётган йўлбарс"га ўхшатади. Сабаби, бугунги кунда нафақага чиқиб, уйида телевизор кўриб ўтирадиган хитойлик кексаларни деярли учратмайсиз. Улар спорт билан шуғулланишади, учрашув ва саёҳатларга чиқишади. Юз ёшдан ошганлар сони бўйича Хитой жаҳонда иккинчи ўринга чиқди.**

78 ёшли Чжу Гоу ҳар кун кечқурун кўчага чиқиб, рақс майдонига йўл олади. Хитойнинг барча шаҳарларида махсус жойлар бўлиб, бу жойларда кечки пайт кексалар гурас-гурас йиғилишади. Айримлари жуда ўхшатиб, бошқа бирлари эса сал қовушмайроқ рақсга тушишади. "Энг муҳими, оёқларда қон ҳаракатга келишида,— дейди Чжу Гоу. — Кексалар учун ҳаракат жуда зарур... Бувим айтганидай, агар узоқ ётсанг, сўнг қайта туролмайсан". XXРда кекса ёшлиларга алоҳида эътибор қаратишади — барча истироҳат боғларида нафақага чиққанлар учун спорт майдончалари мавжуд: уларда юзлаб чол-кампирлар биргаликда турникларга осилишади, тош кўтаришади, ушу ҳамда цигун деб аталадиган нафас олиш машқлари билан шуғулланишади. Ҳозир Хитойда юз ёшдан ошган кексалар сони 50 минг кишидан зиёд. Шунга қарамай, хитойлик кексалар ҳузур қилиб пиво ичишади, ёғли гўштларни паққос туширишади, шифокорлар буюрмаган юмушларни ҳам қилишади. Ҳўш, хитойликларнинг узоқ умр кўриши сири нимада?

— Энг аввало, бизнинг қарияларимиз жуда фаол, — дейди профессор Хэй Лун. — Хитойда нафақага чиққандан сўнг уйида ётиб олиб телевизор кўрадиган ва оқибатда соғлигидан шикоят қиладиган одамни учратмайсиз. Аксар қариялар автобусларда саёҳатга чиқиб, елкасида тўрва билан бутун мамлакатни, тоғ ва денгизларни, уммонни айланиб чиқишади. Ёлғизлари эса интернет орқали танишиб, "бошларини иккита" қилишмоқда. Сўнгги пайтда бундай тўйлар икки баробар кўпайди. Барча ресторанларда ёшлар каби бир-бирини қизғин қучиб қутлаётган кекса жуфтларни кўриш мумкин. Деҳқонларнинг кўпчилиги нафақага чиққач, ҳатто етмиш ёшдан сўнг ҳам томорқасида ишлашни давом эттиришади. Улар: "Югураётган йўлбарсни тўхтатиб бўлмайди, акс ҳолда у ўлади", дейишади. Сўровларга кўра, хитойлик қарияларнинг тўқсон фоизи нафақага чиққандан сўнг ёшлик давридагидан кўра анча яхши яшаётганини эътироф этишади.

Хитойлик қариялар овқатланиш маданиятига алоҳида эътибор беришади. Уларда юрак ва жигар хасталиклари жуда кам учрайди. Сабаби, аксарият таомлар буғда пиширилади. Бунда гўшт ва сабзавот шираси, барча фойдали хусусиятлари сақланиб қолади. Сархил, янги сабзавотларни кўп истеъмол қилади. Гўштни доимо мўл-кўл сабзавотлар билан дастурхонга қўйишади. Ҳар куни гуруч, маккажўхори, дуккаклилар ва, албатта, мевалар истеъмол қилинади.

Яна бир муҳим детал: Хитойда гўшт ва балиқ янгилигида истеъмол этилади. Музлатилганидан кам ҳолларда фойдаланилади. Масалан, майда қисқичбақа ва балиқлар фақат тирик ҳолда сотилади. Акс ҳолда бу каби денгиз маҳсулотлари ўлик ҳисобланади. Таомлар бевосита овқатланиш олдидан тайёрланади, кечаги овқатни иситиб истеъмол қилиш одати йўқ. Шунингдек, Хитойда қорин тўйгандан сўнггина овқатланишдан тўхташ одати ҳам йўқ, дастурхондан қорин тўймасдан бурун турилади. Эҳтимол, мана шунинг учун ҳам XXР аҳолиси ўртасида вазни ортиқча кишилар жуда кам. Боз устига кексалар хипча, дадил ва бардам, тетик.

— Ғалати туюлмасин-у, хитойликларнинг узоқ умр кўришига биздаги тиббиётнинг пуллилиги ҳам муҳим туртки беради, — дейди Гуанчжоудаги халқ табобати маркази шифокори Сянь Хо. — Ҳатто "тез ёрдам" пулсиз келмайди. Шифокорнинг беш дақиқали қабули 100 юан (520 рубл) туради. Госпиталда бемордан пулли «депозит»и бор-йўқлиги сўралади. Кам таъминланганлар учун жорий этилган камдан-кам клиникаларга беморлар ойлаб навбатда туришади, шифокор қабулига тезроқ кириш учун бино олдида "уйқу қоп"ларида тунашади. Шунинг учун аҳоли, асосан, табиий воситалар билан даволанишга ўрганган. Агар бирор хитойлик оғриб қолса, у қуритилган гиёҳ ва илдизлар мажмуи, қоқланган қурбақаларни сотиб олади-да, қайнатиб эликсир тайёрлаб ичади. Хитойда ҳеч ким шамоллашни кимёвий препарат билан даволамайди. Бироқ жарроҳлик амали зарур бўлганда, иш мураккаблашади — барча қариндош-уруғлар унинг учун пул йиғиб беришади. Хитойда ушбу нақл кенг тарқалган: "Шундай яшагинки, жарроҳга ишинг тушмасин".

1991 йилдан бошлаб Хитойда "олтин йигирма йиллик"ка сиғиниш урфга кирди. Хитойликларнинг фикрича, одам асосий хасталикларни 40 ёшдан олтмиш ёшгача бўлган даврда орттиради. Шунинг учун ҳам айнан мана шу даврда тўғри овқатланиш зарур: сувни икки баробар кўп ичиш, тузни имкон қадар кам истеъмол қилиш (кўп билан бир кунда 15 грамм), таомлар таркибида янги сабзавот ва мевалар миқдорини кескин ошириш мақсадга мувофиқ. Турмуш тарзи ҳам алоҳида аҳамиятга эга — бир кеча-кундузда қатъий равишда 8 соатдан кам ухламаслик талаб этилади. Хитой соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотича, бу тадбирлар нафақага чиққунга қадар энг кўп тарқалган атеросклерозга чалинмаслик имконини беради. Хитой аҳолисининг 13 фоизини кексалар ташкил этади, бироқ ҳукумат уларни "ортиқча юк" дея ташвишга тушаётгани йўқ. Хитойлик кексалар жамиятнинг энг эътиборли қатлами ҳисобланади. Уларга ҳурмат билан муносабатда бўлинади.

***Интернет хабарларидан.***

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* * *

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93
Электрон манзилимиз: uzas@exat.uz
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42
Санъат бўлими: 233-56-40
Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб – Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Аҳмад ОТАБОЕВ
Саҳифаловчи — Элёр МАҲМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 20.30

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 4334 Буюртма Г — 1144. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2.
Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН.

ISSN 2181-614X